

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВА МАДИНА ФАХРИТДИНОВНА

**ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМЛИ БЕМОРЛАРДАГИ
КАМҚОНЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА КЛИНИК КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Бухоро- 2025 й

Муаллиф: **Жумаева Мадина Фахритдиновна**
Факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти, (PhD)

Тақризчилар:

R.V.Abdullayev Toshkent tibbiyot
akademiyasi Urganch filiali ichki kasalliklar,
reabilitologiya, va xalq tabobati kafedراسи
professori, tibbiyot fanlari doktori.

L.I.Maxmudova Abu Ali ibn Sino nomidagi
Buxoro davlat tibbiyot instituti, Fakultet va
gospital terapiya kafedراسи dotsenti, DSc

УЎК: 616.24+616.12-008:616.98-036-07:578.834.11

MONOGRAFIYA ANNOTASIYASI

Сурункали касалликлар камқонлиги (СКК) дунё аҳолиси орасида энг кенг тарқалган (темир танқислиги камқонлигидан кейин иккинчи ўринда туради) бўлиб, юкумли, ревматик ва ўсма касалликлари, сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак касаллиги, қандли диабет, жигар циррози каби касалликларда ривожланиши мумкин. Шунингдек тутиш керакки, СКК билан оғриган беморлар кўпинча мураккаб патологияга эга, уларда бир пайтнинг ўзида буйраклар, юрак, жигар ва бошқа органларнинг фаолияти бузилиши мумкин. Сурункали жигар касалликлари кўп ҳолларда нефропатия билан асоратланади. Бундай ҳолларда юзага келадиган камқонлик фақат гемоглобин даражасининг пасайиши эмас, балки тўқималарга кислород ташиш қобилиятининг ҳам жиддий бузилишига олиб келади. Жигар-буйрак ўзаро алоқадорлиги ва ушбу патологияларда камқонликнинг патогенези ҳалигача тўлиқ очиқланмаган. Шу боис, камқонликнинг клиник кечиши, ташхиси ва ечимларини янгирақ ёндашувда ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Бироқ, гепаторенал синдромдаги камқонлик (анемия) масаласи жаҳон тиббиётида ҳанузгача етарлича ўрганилмаган бўлиб, ушбу монографияда айнан ушбу муаммонинг патогенези, клиник кечиши ва жигар ҳамда буйрак функцияларига бўлган таъсири тўлиқ еритилган.

Аннотация монографии

Хроническая болезненная анемия (ХБА) является наиболее распространенной среди населения мира (вторая по распространенности после железодефицитной анемии) и развивается при таких заболеваниях, как инфекционные, ревматические и опухолевые заболевания, хроническая сердечная недостаточность, хроническая болезнь почек, сахарный диабет, цирроз печени. Следует помнить, что пациенты с ХБП часто имеют сложную патологию, у которых могут одновременно нарушаться функции почек, сердца, печени и других органов. Хронические заболевания печени часто осложняются нефропатией. Анемия, возникающая в таких случаях, приводит не только к снижению уровня гемоглобина, но и к серьезному нарушению способности тканей транспортировать кислород. Печеночно-почечная взаимосвязь и патогенез анемии при данных патологиях до сих пор полностью не раскрыты. Поэтому изучение клинического течения, диагностики и решений анемии с использованием новых подходов имеет актуальное значение.

Однако вопрос анемии при гепаторенальном синдроме до сих пор недостаточно изучен в мировой медицине, и в данной монографии полностью освещены патогенез, клиническое течение и влияние этой проблемы на функции печени и почек.

ANNOTATION OF MONOGRAPHY

Chronic painful anemia (CPA) is the most common among the world's population (second most common after iron deficiency anemia) and develops in such diseases as infectious, rheumatic and tumor diseases, chronic heart failure, chronic kidney disease, diabetes mellitus, liver cirrhosis. It should be

remembered that patients with CKD often have a complex pathology, in which the functions of the kidneys, heart, liver, and other organs can be impaired simultaneously. Chronic liver diseases are often complicated by nephropathy. Anemia arising in such cases leads not only to a decrease in the level of hemoglobin, but also to a serious disruption of the oxygen transport capacity of tissues. The hepatorenal relationship and the pathogenesis of anemia in these pathologies are still not fully understood. Therefore, studying the clinical course, diagnosis, and solutions to anemia using new approaches is of current importance.

However, the issue of anemia in hepatorenal syndrome has not yet been sufficiently studied in world medicine, and this monograph fully covers the pathogenesis, clinical course, and impact of this problem on liver and kidney function.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖИХАТЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР	17
Гепаторенал синдром ҳақида умумий тушунча, эпидемиологик ва патогенетик хусусиятлари	17
Жигарнинг сурункали яллиғланишлари ва сурункали буйрак касаллиги: жигар-бўйрак ўзаро таъсир механизми.....	25
Жигарнинг сурункали вирусли яллиғланишлари компенсация даврида гепаторенал синдром ривожланиши жиҳатлари	28
Гепаторенал синдромда камқонлик ривожланиши хусусиятлари, эрта ташхисоти ва даволашга замонавий қарашлар	47
ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМДА КАМҚОНЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ	52
Гепаторенал синдромда жигар-буйрак фаолияти бузилиши даражалари ва унинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари таҳлили	52
Гепаторенал синдромда камқонлик учраш даражаси ва унинг жигар-буйрак фаолияти билан боғлиқлик жиҳатлари таҳлили.....	52
СБК ва фиброз даражалари асосида камқонлик ривожланишини башорат қилиш имкониятларини баҳолаш.....	59
ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМДА КАМҚОНЛИКНИНГ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	70
Гепаторенал синдромда камқонлик ривожланишининг патогенетик хусусиятлари ва клиник турларини баҳолаш	74
Гепаторенал синдромда камқонликнинг патогенетик турини эрта аниқлаш маркерлари	82
Гепаторенал синдромда камқонлик ривожланган беморларда прогностик хавфни моделлаштириш	86
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91

ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР РЎЙХАТИ

Нб	Гемоглобин
ЎНО- α	Ўсма некроз омили α
F 1,2,3	Жигар фибрози даражалари
МСН	Эритроцит таркибидаги гемоглобин миқдори
МСНС	Эритроцитлар таркибидаги гемоглобин концентрацияси
БКФТ	Буйрак коптокча фильтрация тезлиги
ГРС	Гепаторенал синдром
МАУ	Микроальбуминурия
СВГВ	Сурункали вирусли гепатит В
СВГС	Сурункали вирусли гепатит С
СБК	Сурункали буйрак касаллиги
СЯК	Сурункали яллиғланиш камқонлиги
ЭПО	Эритропоэтин

КИРИШ

Сўнгги йилларда сурункали жигар касалликларининг, хусусан, цирроз ва вирусли гепатитлар сони ортиши фонида гепаторенал синдром (ГРС) аҳоли орасида тобора кўпроқ қайд этилмоқда. Бу синдром жигарнинг декомпенсация ҳолатидаги оғир асоратлардан бири бўлиб, асосан нефрофункционал бузилишлар, гиповолемия ва микроциркуляция издан чиқиши билан характерланади. ГРСнинг шаклланиши турли клиник-функционал ўзгаришлар билан бир қаторда, гемопоз тизимига, хусусан, эритроцитлар ҳамда гемоглобин даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Ер юзида катта ёшдаги аҳолининг 30% жигар касалликларидан азият чекмоқда. Аҳолини ногиронликка олиб келадиган сабаблар орасида жигар касалликлари асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўлимга энг кўп сабаб бўладиган ўнта касалликлардан биридир

Жаҳон миқёсида олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ГРС асосан жигар касалликларининг декомпенсацияланган босқичларида кузатилади. Ушбу ҳолатни жигар циррози ва асцит билан оғриган беморларда жигар функциясининг ёмонлашиши натижасида буйрак қон оқимининг пасайиши билан тавсифланадиган патофизиологик ҳолатнинг якуний босқичи деб ҳисоблаш мумкин. Компенсация босқичида, яъни асцит, гипонатриемия ёки портал гипертензия ривожланмаган ҳолларда бу синдром клиник жиҳатдан кам учрайди. Шу сабабли, мазкур босқичда ГРС махсус диагностикага муҳтож эмас. Бироқ, компенсация даврида ҳам буйрак фаолияти бўзилишини кузатиш мумкин. Компенсация босқичидаги сурункали гепатитда камқонлик ривожланиши беморнинг умумий ҳолати, касаллик кечиши ва асоратланишига салбий таъсир кўрсатади. Камқонлик билан кечадиган сурункали гепатитда гепаторенал синдромнинг ривожланиш эҳтимоли ошиши мумкин .

ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖИХАТЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР.

Гепаторенал синдром ҳақида умумий тушунча, эпидемиологик ва патогенетик хусусиятлари

Гепаторенал синдром (ГРС) — оғир жигар касалликлари, айниқса сурункали декомпенсацияланган цирроз фонида ривожланадиган, функционал буйрак етишмовчилиги ҳолатидир. Унинг асосий хусусияти – буйрак тўқимасида аниқ морфологик ўзгаришларсиз бўлиши ва ривожланишида гемодинамик бузилишлар, ренин-ангиотензин тизими ва яллиғланиш медиаторларининг ролидир [36; 1272-1284-б.].

ГРС клиник жиҳатдан икки турга ажратилади:

1-тур — тез суръатда ривожланувчи, оғир прогнози бор форма;

2-тур — секин ривожланади, кўпинча асцит ва гипонатриемия билан кечади [30; 670-685-б.].

Эпидемиологик маълумотларга кўра, цирроз билан касалланган беморларнинг тахминан 10–20%ида ГРС ривожланади. Бир қатор тадқиқотларда беморларнинг 40%ида ГРС ривожланиш хавфи борлиги кўрсатилган [77; 1040-1049-б.]. ГРС I тури айниқса 2 ҳафта ичида нефритик функциянинг 50%га тушиши билан намоён бўлади, ўлим даражаси эса 80%дан юқори [80; 199-210-б.].

Гепаторенал синдром (ГРС) эпидемиологияси бўйича сўнгги 10–15 йил ичида кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар турли ҳудудларда ГРС тарқалиши, хавф омиллари ва прогноз кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган. Бир қатор хавф омиллари жигар циррози билан оғриган, аммо азотемия билан азият чекмаётган беморларда ГРС ривожланиши билан боғлиқ. Барча ўлчовлар кам тузли диетада ва диуретикларсиз камида 5 кундан кейин олинган [37; 891-908-б.]. Қуйидаги омиллар:

- Сийдик билан натрийнинг кам чиқарилиши (< 5 мЕк/Л)

- Зардобдаги натрийнинг камайиш (суюлтириладиган гипонатремия)
- Қабул қилинадиган сув чиқарилишининг камайиши
- Плазмада юқори ренин фаоллиги
- Плазмада норадреналиннинг кўпайиши
- Паст плазма осмоляллиги
- Юқори сийдик осмоляллиги
- Зардобда калийнинг кўпайиши
- Асцит
- Гепатомегалия йўқлиги
- Қизилўнғач варикоэларининг мавжудлиги
- Ёмон овқатланиш ҳолати
- Плазмада мочевиначининг ўртача кўпайиши (>30 мг / дЛ)
- Креатининининг ўртача ошиши (>1.5 мг / дЛ)
- Ўртача камайтирилган гломеруляр филтрация тезлиги (КФТ) (<50 мЛ/мин)
- Цирротик кардиомиопатия
- Адреналин етишмовчилиги

Деярли бир аср давомида ГРС ташхисот мезонлари такомиллашиб борди. Халқаро Асцит Клуби (Интернационал Асситес Слуб) 2011 йилда жигар циррозида БЎШ босқичларини белгилаш ва табақалаштиришнинг янги мезонларини ишлаб чиқди. Шундай қилиб, БЎШ 1- босқичи зардобдаги креатинин даражасининг 48 соатдан кам вақт ичида 26,4 мкмол/л га ёки 3 ойдан кам вақт ичида бошланғич даражасининг 50% га ошиши билан тавсифланади. Креатинин даражасининг 2 барабар ошиши билан 2 – босқич, 3-барабар ошиши билан 3-босқич ўрнатилади. ГРС БЎШнинг 2- ёки 3-босқичларига мос келади. Юқоридаги мезонларга мувофиқ ўрнатилган БЎШ 1-тоифадаги ГРС сифатида қайд этилади (ГРС-БЎШ деб белгиланган ГРСнинг ўзига хос шакли).

Бактериал перитонит ва ГРС. ГРСнинг ривожланиши кўп ҳолларда СБП билан боғлиқ бўлиб, асцит билан асоратланган жигар циррози бор беморларнинг 10-30 фоизда учрайди [66. 105-112-б.]. СБПни аниқлаш мезонлари куйидагилардан иборат: 1) 1 мм³ асцит суюқлигида 250 дан ортиқ полиморфонуклеар ҳужайраларни аниқлаш 2) асцит суюқлигидаги бактериал микрофлорани қорин бўшлиғи инфекцияси белгилари инкор қилинган тақдирдагина аниқлаш [62. 2087-2107-б.]. СБП юқори ўлим билан боғлиқ. Шундай қилиб, СБПнинг биринчи эпизодидан кейин бир йил ичида ўлим даражаси 30% дан 90% гача бўлади [37; 891-908-б.].

Жигар циррози бор каламушларда ўтказилган тажрибаларга кўра, лаборатория каламушларига оғиз орқали юборилган радиоактив ёрликли *Escherichia coli* нафақат ичакда, балки асцит суюқлигида ва мезентерик лимфа тугунларида ҳам топилган [37; 891-908-б.]. Ушбу ҳодиса бактериал транслокация деб номланади яъни бактерияларнинг ичак мезентерик лимфа тугунлари ва портал томир орқали тизимли қон айланиш доирасига кўчишидир. Бактериал транслокация СБП ривожланишига ёрдам беради. Мезентериал лимфа тугунлари Enterobacteriaceae оиласига мансуб *Escherichia coli*, *Klebsiella pneumoniae*, стрептококклар ва бошқа микроорганизмлар каби микроорганизмлар транслокациянинг энг кенг тарқалган жойи бўлиб ҳисобланади [73. 297-310-б.]. Бактериал транслокация жигар циррози билан хасталанган беморларда туғма ва орттирилган иммунитетнинг бузилиши, ичак ҳаракатининг бузилиши ва ўтказувчанлигининг ошиши шароитида кучайиши мумкин [29. 940-947-б.].

Декомпенсацияланган жигар циррозида беморларда СБП ривожланишига нейтрофиллар ва макрофаглларнинг фагоцитик фаоллиги бузилганлиги, шунингдек комплементнинг етарли даражада фаоллашмаганлиги сабабли иммунореактивликнинг бузилиши ёрдам беради. Бундай шароитда бактериялар лимфа тугунларидан қон оқимиغا, ўпка ёки сийдик йўллариغا тарқалиши ва кейинчалик асцит суюқлигида аниқланиши

мумкин. Организм ҳимоя механизмларининг бузилишидан ташқари, ичакдаги бактерияларнинг кўпайиши ва ичак шиллик қаватининг тўсиқ вазифасининг бузилиши каби қўшимча омиллар СБП ривожланишига ёрдам беради [73. 297-310-б.]. СБП билан оғриган беморларда ичак микробиотида ўзгаришлар аниқланади, бу бактерияларнинг патоген штаммларининг кўпайиши билан намоён бўлади [79. 96-105-б.]. Шу билан бирга, ингичка ичакдаги бактерияларнинг кўпайиши (1 мл ингичка ичак аспирида 10⁵ дан ортиқ колония ҳосил қилувчи бирликлар сони) СБП ривожланишига энг катта ҳисса қўшади [30. 2962-2967-б.], бу ичак ҳаракатининг пасайиши, гипохлоргидрия ва сафро секрециясининг бузилиши билан характерланади [38. 562-572-б.].

Escherichia coli ва *Klebsiella pneumoniae* кўпинча СБП ёки сийдик йўллари инфекцияларида учрайди ва *Streptococcus pneumoniae* ва *Mycoplasma pneumoniae* ўпка инфекциялари билан боғлиқ. Инфекцияланган жигар циррози беморларида ўлим даражаси инфекциясиз беморларга қараганда 4 барабар юқори. СБП ривожланганда бактерияларнинг ортиқча ўсиши СБП ривожланмаган беморларнинг атиги 0-11 фоизида содир бўлиши билан тасдиқланади [37; 891-908-б.].

Ичак шиллик қавати орқали бактерияларнинг транслокацияси ичак ўтказувчанлигининг ошиши билан боғлиқ. Жигар циррози ичак шиллик қаватининг тузилиши ва вазифасининг ўзгаришига олиб келади. Жигар циррозининг ичак шиллик қаватига таъсир қилиш механизмлари тўлиқ тушунилмаган, аммо ҳайвонларни ўрганиш шуни кўрсатадики, жигар циррози билан боғлиқ оксидловчи стресснинг ичак шиллик қаватига салбий таъсири мавжуд [37; 891-908-б.].

Чива М. ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда, жигар циррози энтероцитларнинг митохондриял вазифасига салбий таъсир кўрсатиши, липидларнинг оксидланишини ва жигар циррозли каламушларда оксидловчи стрессни кучайтириши аниқланди, бу эса энтероцитларга зарар етказди [32. 6164-6172-б.]. Бошқа бир эспериментал тадқиқотда жигар

циррозли каламушларида липид пероксидацияси ва оксидловчи стресс белгиси бўлган малон диалдегид даражасининг ошиши аниқланди [37; 891-908-б.]. Бундан ташқари, СБП ривожланиши Панет хужайраларининг табиий микробларга қарши моддаларни ишлаб чиқариш қобилятининг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги кўрсатилган [39. 145-150-б.]. Шунингдек, яллиғланишга қарши цитокинлар ичак шиллиқ қаватининг эпителий хужайраларининг ўтказувчанлигини бузиши мумкин [8]. Сўнгги йилларда ГРС ривожланишининг асосий механизми сифатида иммунитет реакциясини тартибга солиш гипотезаси кенг тарқалди.

Жигар циррози сурункали буйрак касаллигининг (СБК) ўзига хос шаклини ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин – 2-тоифа ГРС, бу коптокча филтрациянинг 3 ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида 60 мл/мин дан кам пасайиши билан тавсифланади. Зардобдаги креатинин даражаси 48 соатдан камроқ вақт ичида 26,4 мкмол/ л га ёки 3 ойдан кам вақт давомида бошланғич даражасидан 50% га кўтарилганда жигар циррозининг ўткир-СБК деб аталадиган шакли ривожланиши мумкин, бунда жигар циррози бор беморларида бундан олдин коптокча филтрацияси 3 ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида 60 мл/миндан пасайган бўлиши керак [74; 253-266-б.].

1-тоифа ГРСнинг ривожланишида кўп ҳолларда бактериал инфекция, шу жумладан ўз-ўзидан (спонтан) пайдо бўладиган бактериал перитонит (СБП) томонидан кўзғатилади ва оғир кўп аъзолар етишмовчилиги юзага келади. 2-тоифа ГРС кўринадиган кўзғатувчи омилларсиз юзага келади ва артериал гипотензия билан намоён бўладиган гемодинамиканинг нисбий даражадаги бузилишининг натижасидир, рефрактер асцит эса бу ҳолатда биринчи ўринга чиқади [45; 605-613-б.].

Martin-Llahi et al. (2011) ўз тадқиқот ишларида циррозли беморларда ГРС I турини даволаш (терлипессин + альбумин) ва касалликнинг тарқалишини баҳолашни ўрганган бўлиб, бу тадқиқот ГРСнинг тарқалиш даражаси ва клиник прогнозига оид аниқ рақамларни тақдим этган биринчи

мукаммал клиник тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Ушбу тадқиқот натижалари ГРС I тури цирроз билан касалланган беморларнинг 15–20%ида ривожланганлиги ва иммунотерапиядан олдин касалликнинг тезкор прогрессияси кузатилиши асослаб берилган [80; 1040-1049-б.].

2018 йилда ГРС ривожланишига таъсир қилувчи инфекция ва системавий яллиғланиш ролини ўрганиш бўйича мультицент тадқиқотлар олиб борилган ва бу тадқиқот натижалари тизимли яллиғланиш мавжуд беморларда ГРС ривожланиш хавфи 3,4 марта юқори кўрсатилган. ГРС ривожланишида яллиғланишнинг эпидемиологик ролини кўрсатади ва бунда цирроз — тўлиқ орган иммунологик декомпенсациясини ифода этиши мумкинлигини асослайди [85; 937-944-б.].

Fagundes ва издошлари (2012) ўз тадқиқотлари натижаларига асосланиб циррозда буйрак функциясининг бузилиши ва ГРС ривожланишини баҳолаш учун янги маркерни таклиф қилишган. 547 нафар бемор жалб қилинган ушбу тадқиқотда ГРС I турининг тарқалиши 15,6%; II тури 22,3% ни ташкил қилган.

ГРС ташхисотида эса NGAL ва Cystatin C каби биомаркерлар бўйича эрта аниқлаш самарадорлиги ўрганилиб, эпидемиологик баҳо беришда биомаркерлар асосида янги ташхис меъёрлари таклиф этилган ва бунинг прогностик аҳамияти кўрсатилган [102].

2014 йилда АҚШ да ўтказилган United Network for Organ Sharing (UNOS) Registry Analysis тадқиқотида жигар трансплантацияси кутилаётган беморлар орасида ГРС тарқалиши ретроспектив таҳлили ўтказилган. Тадқиқот натижалари MELD балли 30 ва ундан юқори бўлган беморлар орасида ГРС ривожланиши 28% ни ташкил этиб, ГРС ривожланган беморлар орасида трансплантациягача бўлган ўлим ҳолати икки баравар кўплигини кўрсатган [31].

ГРС ривожланиши, даволаш, прогноз ва глобал эпидемиологик долзарблигини ўрганиш юзасидан 2021 йилда ГРСни бошқариш ва унинг клиник кўрсаткичларини аниқлаш учун халқаро мутахассислар томонидан консенсус тайёрланган. Ушбу тадқиқот натижалари бўйича ГРС клиникасида

глобал ёндашувларни стандартлаш ва эпидемиологик классификация асосларини такомиллаштирилиб, эпидемиологик таҳлилларда АКІ (acute kidney injury) 1-босқичдан бошлаб кузатиш муҳимлиги таъкидланган [82; 199-210-б.].

Қуйидаги 1- жадвалда МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистонда ўтказилган ГРС ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

Гепаторенал синдром бўйича Ўзбекистон ва МДХдаги тадқиқотлар

№	Тадқиқот жойи	Асосий йўналиш	Беморлар сони	ГРСга оид маълумот	Ахамияти
1	Ўзбекистон (Жабборов ва ҳамк., 2024)	ГРС клиник ва генетик таҳлили	50	Генетик биомаркерлар, прогноз модели	Илк индивидуал прогноз асоси
2	Ўзбекистон (HDV тадқиқоти, 2019)	Циррозда HDV тарқалиши ва асоратлар	6589	HDV юқори тарқалиши – ГРС хавфини оширади	Эпидемиологик юк ва хавф даражаси
3	Ўзбекистон (эпид. таҳлил, 2021–2022)	HDV вирусининг популяцион эпидемиологияси	14 000 (оммабоп)	HDV тарқалиши — эпидемик асос	Клиник тавсиялар учун база
4	Россия	Цирроз ва буйрак етишмовчилиги боғлиқлиги	≈200	ЎБШ ва ГРС клиник боғлиқлиги	Терапевтик стратегиялар учун асос
5	Қозоғистон	Жигар циррози билан боғлиқ ЎБШ ҳолатлари	150+	Циррозли беморларда ЎБШ таҳлили	Соғлиқни сақлаш соҳаси учун дастлабки маълумотлар

Ўзбекистон ва МДХ давлатларида Гепаторенал синдром (ГРС) бўйича тадқиқотлар асосан цирроз, HDV инфекцияси ва буйрак функциясининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни камраб олган. Ўзбекистондаги сўнгги тадқиқотларда ГРСнинг клиник ва генетик омиллари (биомаркерлар орқали) илк бор таҳлил қилинган. HDV юқумининг юқори даражада тарқалгани жигар циррозининг эрта ёшда ривожланишига ва ГРС хавфининг ошишига сабаб бўлмоқда.

МДХда эса ГРС алоҳида ўрганилмаган бўлса-да, циррозга боғлиқ ўткир буйрак шикастланиши ҳолатлари ва унинг прогнозига доир маълумотлар йиғилган. Барча тадқиқотлар ГРСни эрта аниқлаш, хавфни баҳолаш ва индивидуал ёндашувни шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, Ўзбекистонда вирусли гепатитлар фонида ГРС бўйича илмий-амалий тадқиқотларни кенгайтириш долзарб вазифа ҳисобланади.

ГРС бўйича эпидемиологик тадқиқотлар кўпинча цирроз билан боғлиқ беморларда амалга оширилган бўлиб, ГРС тарқалиши I ва II турда кескин фарқ қилади. Яллиғланиш, инфекция ва гемодинамик ўзгаришлар — эпидемиологик хавфни шакллантирадиган асосий омиллардан бири. Биомаркерлар асосида диагностика мезонлари ва клиник прогнозлаш методларининг ривожланиши, бу соҳада янги тадқиқотлар йўналишини белгилаб бермоқда.

Жигар циррози 20-70% ҳолларда буйрак фаолиятининг бузилишига олиб келади, унинг энг оғир кўринишларидан бири эса портал гипертензия ва асцит билан прогрессияланиб боровчи жигар циррози билан оғриган беморларда пайдо бўладиган гепаторенал синдром (ГРС) бўлиб, буйракнинг ўткир шикастланиши – ГРС- БЎШ билан характерланади [74; 253-266-б.]. ГРС жигар циррози ва асцит ташхиси билан касалхонага ётқизилган беморларнинг 10 фоизида учрайди, прогрессияланиб боровчи жигар циррозининг декомпенсация босқичида бўлган беморларнинг 18 фоизида биринчи йилнинг ўзида ва декомпенсацияланган жигар циррозининг ўртача 39 фоизида бешинчи йилида ривожланади [37; 891-908-б.].

Кўпинча ГРС компенсацияланган жигар циррозининг куйида келтирилган қўзғатувчи омиллар мавжуд бўлганда пайдо бўлади, яъни бактериал инфекция ёки сепсис (57%), юқори ҳажмли парацентез (15%), ошқозон-ичакдан қон кетиш (36%), нефротоксик дориларни қўллаш, диуретиклар билан интенсив терапия пайтида гиповолемия кабилар туфайли юзага келади [37; 891-908-б.]. Портал гипертензия ва асцит билан биргаликда тез ривожланиб боровчи жигар циррози бор беморларда гепаторенал синдром энг оғир тарзда — ўткир буйрак шикастланишининг намоён бўлиши билан тавсифланади [74; 253-266-б.].

Гепаторенал синдром (ГРС) ривожланишининг хавф омиллари жигар циррози ва асцит билан оғриган беморларнинг кўпчилигида учраши қайд этилган ва кўпинча қон айланиши ва буйрак вазифаси билан боғлиқ. Учта муҳим ва осон тан олинадиган хавф омиллари мавжуд : паст ўртача артериал қон босими (< 80 мм симоб устуни), эритувчи гипонатремия ва сийдикда натрийнинг қаттиқ тутилиши (сийдик натрий < 5 мЕк/Л). Қизиғи шундаки, Чайлд-Пью бўйича йиғинди бали юқори бўлган ёки албумин, билирубин ва протромбин даражаси каби жигар фаолиятининг ёмонлашган параметрлари аниқланган жигар касаллиги бўлган беморларда ГРС ривожланиш хавфи юқори эмас [37; 891-908-б.].

Баъзи беморларда ГРС ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин, бошқаларда эса бу инфекциялар билан боғлиқ бўлиши мумкин (айниқса спонтан бактериал перитонит (СБП)), ўткир алкоғолли гепатит ёки албуминни қўймасдан катта ҳажмли парацентез амалиёти. СБП инфекциясини тегишли ва ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва ҳал қилинишига қарамай, беморларнинг тахминан 20 фоизида ГРС-БЎШ вазиятни оғирлаштиради. Албуминни қўймасдан катта ҳажмли парацентез амалиётини ўтказган 15% гача беморларда ГРС-БЎШ ни юзага келтириши мумкин. Жигар циррози бор беморларда ошқозон-ичакдан қон кетиши буйрак етишмовчилиги билан асоратланиши 10% гача содир бўлса-да, бу одатда гиповолемик шок мавжудлигида кузатилади, бу буйрак

етишмовчилиги ГРС билан эмас, балки ўткир буйрак каналчалари некроз билан боғлиқлигини кўрсатади.

Жигарнинг сурункали яллиғланишлари ва сурункали буйрак касаллиги: жигар-буйрак ўзаро таъсир механизми

Цирроз — жигар сурункали касалликлари сўнгги босқичи бўлиб, ушбу даврда жигар тўқимаси аста-секинлик билан бириктирувчи тўқима билан қоплана бошлайди ёинки, жигарнинг гистологик жиҳатдан нормал архитектураси тузилиши жиҳатдан аномал бўлган тугунларга айлана бошлайди. Ривожланган ёки декомпенсацияланган цирроз билан жигар архитектурасининг бу бузилиши юқори қаршилик билан портал гипертензияга олиб келади.

Декомпенсацияланган жигар циррози билан оғриган беморларда сурункали жигар етишмовчилиги ривожланиши билан ривожланаётган буйрак дисфункциялари орасида энг хавфлиси ГРС-БЎШ бўлиб, у юқори ўлимга олиб келади.

Гепаторенал синдромни жигар циррози ва асцит билан оғриган беморларда жигар функциясининг ёмонлашиши натижасида буйрак қон оқимининг пасайиши билан тавсифланган патофизиологик ҳолатнинг якуний босқичи деб ҳисоблаш мумкин [33. 1153-1161-б.; 36. 3684-3703-б.]. ГРС патофизиологияси остида жигар шикастланиши, портал гипертензия ва жигар фаолиятининг бузилиши, асцитнинг ривожланиши, артериал вазодилататор таъсири, тизимли яллиғланиш, бактериал транслокация ва гепаторенал рефлекс каби ўзаро боғлиқ жараёнлар ётади [38. 562-572-б.].

Артериал вазодилатация жигар циррози ва асцит билан оғриган беморларда юзага келадиган қон айланишининг бузилишидир [37; 891-908-б.]. Булар иккита асосий механизмларни ўз ичига олади: биринчиси — тизимли қон айланишининг бузилиши, иккинчиси — нейрогуморал тизимларнинг фаоллашиши. Даставвал, жигар циррози портал гипертензияни , сўнгра

иккиламчи висцерал гипертензияни келтириб чиқаради. Қон томирларнинг кенгайиши — тизимли қон томир қаршилигини пасайтиради ва кейинчалик азот оксиди (НО), углерод оксиди ва ёки эндоген каннабиноидлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан билвосита боғлиқ бўлган қон ҳажмининг самарадорлигини пасайишини келтириб чиқаради [37; 891-908-б.]. Портал гипертензия портал тизим шунтларининг ишга тушишига олиб келади. Ушбу ҳодиса катта қон айланиш доирасига ортиқча вазодиллятаторлар билан бирга висцерал қоннинг бир қисмини тушишига, яъни тизимли қон айланишига тўғридан-тўғри вазодиллятатор таъсир кўрсатиши ёки азот оксиди ёинки иккаласининг ҳам чиқарилишини оширилишига сабаб бўлади.

Висцерал қон томиридаги вазодиллятаторлар ҳам қон оқимининг вазоконстрикторларга юқори сезувчанлигига олиб келади. Силлиқ мушак хужайраларида пострецептор нуқсонни ҳам висцерал вазодиллатацияга ёрдам бериши ҳақида баъзи далиллар мавжуд [16. 7-14-б.].

Даставвал артериал қоннинг самарали ҳажми ва қон босими юракдан отилиб чиқадиган қоннинг ортиши ҳисобига амалга оширилади, бу эса гипердинамик қон айланишига олиб келади. Бирмунча кечки босқичларда висцерал вазодиллатация прогрессияланиб бориши натижасида артериал қоннинг самарали ҳажми пасайишига олиб келади, бу энди юракдан отилиб чиқадиган қон билан қопланмайди [37; 891-908-б.].

Қон босимини ушлаб туриш учун ренин-ангиотензин-алдостерон тизими (РААТ), симпатик асаб тизими (САТ) ва аргинин-вазопрессиннинг (АВП) осмотик бўлмаган гиперсекрецияси каби тизимли вазоконстриктор тизимлари фаоллашади, бу эса қон босимининг ошишига олиб келади. Плазмадаги ренин фаоллигининг пасайиши ва плазмадаги норадреналин даражасининг ошиши кузатилади. Қон босимини ушлаб туриш учун тизимли қон босими фаоллашади, бироқ нейрогуморал тизимларнинг фаоллашиши буйрақларга зарарли таъсир кўрсатади.

Буйракларда натрий ишлаб чиқарилиши, таркибида сувда эрувчи моддалари мавжуд бўлмаган сувнинг организмда сақлаб қолиниши мос равишда асцит ва шиш, шунингдек гипертонемик гипонатремияга олиб келади. Бу сезиларли даражада буйрак вазоконстрикциясига, натижада буйрак пўстлоқ қисми қон оқими пасайишига олиб боради, сўнгра гломеруляр филтрация тезлиги пасаяди [42. 1433-1443-б.].

Ангиогенезнинг кучайиши кўринишидаги тизимли қон томир ўзгаришлар — бу қон томир эндотелиал қаватида плазма ўсиш омилларининг ошиши билан боғлиқ [43. 729-737-б.; 37; 891-908-б.] . Ушбу ўзгаришлар висцерал гиперемия, портал қон оқимининг кўпайиши ва портосистемик коллатерализацияни кўллаб-қувватлайди [37; 891-908-б.]. Ушбу омиллар жигар циррозида, буйрак етишмовчилигининг ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган гемодинамик касалликларнинг патогенезида муҳим рол ўйнайди.

Кўп йиллар давомида ГРС-БЎШ пайдо бўлишининг гемодинамик механизми ягона тўғри гипотеза сифатида қабул қилинди, унга кўра портал гипертензияга жавобан рефлектор равишда ривожланадиган компенсатор жигардан ташқари вазодилатация айланма қоннинг самарали ҳажмининг пасайишига ва натижада артериал гипотензияга олиб келади, бу эса барорецепторларнинг ишга тушишига ҳамда тананинг асосий вазоконстриктор тизимларидан бири бўлган химоя механизмлари — ренин-ангиотензин-алдостерон тизими (РААТ) фаоллашишига олиб келади [75. 382-391-б.]. Натижада буйрак қон томирларининг турғун вазоконстрикцияси ривожланади, чунки буйракнинг қон билан таъминланиши камайганда вазоконстрикторлар янада кўпроқ ишлаб чиқарилади ва буйракнинг нисбатан ишемиясини келтириб чиқаради, бунда буйрак перфузияси, коптокча филтрация тезлиги пасаяди, азотемия пайдо бўлади, қон зардобадаги креатинин миқдори ошади, охир-оқибат функционал буйрак йетишмовчилиги шаклланади [33. 1153-1161-б.].

РААТ фаоллашиши шароитида гепатоцитларнинг шикастланиши кучаяди, жигар йетишмовчилиги кучаяди. Илгари ГРСда буйрак коптокчалари ва каналчаларидаги морфологик ўзгаришлар минимал ва носпецифик деб ҳисобланган ва буйрак йетишмовчилиги соф функционал деб ҳисобланган [37; 891-908-б.].

Сўнги йилларда ГРС патогенези бўйича янги қарашлар асосланди, унга кўра ГРС-БЎШ буйрак каналчалари хужайраларининг шикастланиши билан боғлиқ. Бунинг далили ГРС-БЎШ билан оғриган беморларда каналчаларнинг шикастланиш белгиларининг кўпайиши аниқланди: буйрак шикастланиши 1-молекулалари (КИМ-1), $\alpha 1/\beta 2$ - микроглобулин, нейтрофил желатиназа - боғланган липокалин, цистатин С ва бошқалар [45. 605-613-б.].

Ҳайвонларда жигар циррози моделида буйрак фаолияти бузилиши проксимал каналчалар некрозининг ривожланиши туфайли эканлиги ёруғлик ва электрон микроскоп ёрдамида тасдиқланган [37; 891-908-б.]. Бошқа тадқиқотларда ГРСнинг дастлабки босқичларида коптокча мезангиал матрикснинг гиперцеллюлярлиги, кейинги босқичларда проксимал ва дистал каналчалар эпителийсининг гидропик дегенерацияси аниқланган [37; 891-908-б.].

Лаборатория каламушларининг жигар циррози моделида бактериал липополисахаридларни киритиш орқали юқумли жараёнга тақлид қилиш буйрак каналчалари хужайраларида каспаза-3 ажралишининг ошишига ва апоптознинг индукциясига олиб келиши кўрсатилган [64. 1047-1053-б.].

Ҳозирги вақтда туғма ва орттирилган иммунитет компонентлари дисфункцияларининг ГРС-БЎШ ривожланишида муҳим роли бор эканлиги белгиланди.

ГРС-БЎШ ривожланишида иммунитетнинг Т-хужайраларга алоқадор қисмининг бузилиши ётади. McГоверн Б. Ҳ. ва бошқалар тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 60 та жигар циррози ташхиси қўйилган беморларда

жараённинг ўсиб бориши асносида спленомегалия ривожланиши билан боғлиқ бўлган Т-хелперларнинг (CD4+) мутлақ танқислиги борлигини кўрсатди [3. 25-б.]. Бошқа бир тадқиқотда алкоғолли жигар циррози бор беморларда Т-хужайраларининг касалликдаги роли кўриб чиқилган [4. 116-117-б.].

Соғлом гуруҳдаги беморларни назорат гуруҳларидаги беморлар билан солиштирганда қоқшол анатоксини, замбуруғ антигени каби антигенларга нисбатан Т-хужайрали иммунитет реакцияси камайганлиги аниқланган. Бундан ташқари, вирусли гепатит Б га қарши эмланган саккизта беморнинг бештасида сероконверсия жараёни бузилган. Ушбу далиллар жигарнинг оғир касалликлари бўлган беморларда адаптив иммунитетнинг хужайра бўғинининг миқдорий етишмовчилиги, шунингдек, Т-хужайралари функциясининг *in vivo* бузилишини кўрсатади. Иммунологик толерантликнинг парчаланишини кузатишнинг аниқ механизмлари номаълумлигича қолмоқда [40. 1433-1443-б.].

Сурункали жигар касалликлари (гепатит Б, С, НАЖБП, алкоғолли гепатит ва цирроз) нафақат гепатоцитларга зарар етказди, балки буйрак тўқималарида ҳам тўғридан-тўғри ва билвосита таъсир кўрсатади. Ушбу органлар ўртасидаги функционал, яллиғланиш ва иммунологик алоқалар орқали СБК ривожланишига олиб келиши мумкин.

Илмий манбаларда, компенсация давридаги циррозда ГРС ривожланиши эхтимоли ҳисобга олинмаган бўлса-да, сўнгги тадқиқотлар бу фикрни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда [62].

Компенсация босқичидаги цирроздаги микрогемодинамик ўзгаришлар субклиник характерга эга бўлиши мумкин. Бироқ, портал гипертензияни кам симптомли кечиши, илк тартибда системали вазодилатация ва ренал вазоконстрикция механизмларини ишга туширади. Бу вазиятда ренин-ангиотензин-альдостерон тизими, симпатик фаоллик ва антидиуретик гормон

секрецияси ортиб, гломеруляр филтрация тизимида пасайишга олиб келади [81].

Айрим тадқиқотларда компенсациядаги цирроз беморларида ҳатто енгил гиповолемиа (масалан, диуретиклар, инфекция ёки ошқозон-ичак қон кетиши билан) ренал вазоконстрикцияни кучайтириши ва функционал ГРСни юзага келтириши мумкинлиги кўрсатилган [27; 23-б.]. Бу ҳолатларда ренал функциянинг пасайиши қайтар бўлмас ҳолига ўтиши мумкин.

ГРСнинг патогенези бир неча босқичдан ташкил топади:

Портал гипертензия ва вазодилатация: жигар циррози портосистемик гипертензияга олиб келади. Бу ҳолат мезентериал қон томирларида вазодилатацияни, яъни кенгайишни юзага келтиради [36; 1272-1284-б.].

Буйрак вазоконстрикцияси: периферик вазодилатация натижасида қон айланиши қайта тақсимланади ва буйракларга қон оқими камаяди. Бу — ренин-ангиотензин-альдостерон тизими (РААС), симпатик нерв тизими ва вазопрессин секрециясининг ошишига сабаб бўлади.

Эндотелиал дисфункция ва NO мувозанатининг бузилиши: вазоактив моддаларнинг (NO, простагландинлар, эндотелин-1) мувозанати бузилиши, антидиуретик гормоннинг юқори даражаси ва ренин фаоллашуви гомеостазни бузади ва гломеруляр филтрацияни камайтиради [55; 406-460-б.].

Гепаторенал синдром цирроз ва декомпенсацияланган жигар касалликларининг оғир асоратларидан бири бўлиб, клиник кўриниши тез ёки сурункали ривожланиш эҳтимолига қараб фарқланади. Патогенези кўп босқичли бўлиб, вазодилатация, гиповолемиа ва гормонал мувозанатнинг бузилиши асосий рол ўйнайди. ГРС билан органик нефропатиялар ўртасидаги фарқлар — диагностика ва терапияда мақсадли ёндашувни талаб қилади. Янги биомаркерларни жорий қилиш ва патогенетик терапия усулларининг такомиллаштириши бу соҳада катта имкониятларни очади.

ГРС патогенезида жигар-буйрак ўзаро таъсир механизми. Сўнгги йилларда жигар ва буйрак ўртасидаги патофизиологик ўзаро таъсир тобора кўпроқ тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Сурункали жигар касалликлари

(хусусан, вирусли гепатитлар, алкогольли ёки метаболик цирроз, аутоиммун гепатит) ва СБК кўп ҳолатларда бир вақтда кечиши ва бир-бирини оғирлаштириши мумкин. Бу ҳолат "жигар-буйрак ўзаро таъсирлари" ёки "hepato-renal axis" деб аталади.

Жигар-буйрак ўзаро таъсир механизмида 4 хил патогенетик жараёнлар ётиши асослаб берилган. Булар

Гемодинамик ўзгаришлар. Жигар циррози натижасида портал гипертензия, периферик вазодилатация ва гиповолемия юзага келади. Бу эса симпатик нерв тизими ва ренин-ангиотензин-альдостерон тизимини фаоллаштиради ва гломеруляр фильтрация тезлигининг (БКФ) тушишига олиб келади.

Портал гипертензия → системали вазодилатация → буйрак перфузияси пасайиши боғлиқлиги кузатилиб, бу ҳолат "кардио-ренал" каби "гепаторенал алоқа" терминини илмий муомалага киритди [86; 896-904-б.].

Яллиғланишли цитокинлар ва оксидловчи стресс. IL-6, ЎНО- α , CRP, MCP-1 – жигарда ишлаб чиқилиб, қон орқали нефронларга таъсир қилади. Бу медиаторлар эндотелий дисфункцияси ва гломеруляр фильтрацияни сусайтиришда асосий роль ўйнайди [34; 1049-1060-б.]. Охирги тадқиқотлар ГРС патогенезида иммун-яллиғланиш механизмини ҳам тасдиқламоқда. Cirrhosis-associated immune dysfunction (CAID) ҳолатида жигарда ва умумий организмда яллиғланиш цитокинлари (IL-6, ЎНО- α) юқори бўлади. Бу моддалар буйрак тўқималаридаги эндотелийга зарар етказиши ва гломеруляр фильтрацияда янада пасайишга сабаб бўлади [30; 670-685-б.].

Микробиота, эндотоксинлар ва иммуноактивация. Жигарда сурункали яллиғланиш билан боғлиқ ҳолатларда ичак баръери бузилади ва эндотоксинлар (масалан, липополисахаридлар) системали қон айланишига тушади. Бу ҳам СБК ривожига ҳисса қўшади. Шунингдек, микробиота ва эндотоксинлар транслокацияси, сепсисгача бўлган ҳолатларнинг ривожланиши ГРС патогенезида қўшимча роль ўйнайди. Жигар ва буйрак ўртасидаги ўзаро таъсирни баъзи тадқиқотчилар "гепаторенал кроссток" деб

атайдилар. Бу концепцияга кўра, жигардаги нохуш жараёнлар гумораль йўллар орқали буйракка таъсир қилади:

Вазоактив пептидлар (NO, эндотелин, ангиотензин-II) — буйракларда вазоконстрикцияни рағбатлантиради;

Циркулятор эндотоксинлар ва иммун комплекслар — буйрак тўқимасига иммунологик зарар етказди;

Онкотик босим пасайиши — суюқлик реабсорбциясида бузилиш яратади;

Инсулинорезистентлик ва метаболик синдром. НАЖБП ва HCV ҳолатидаги метаболик бузилишлар гиперурикемия, гиперлипидемия ва гипергликемия орқали микроваскуляр нефропатияга олиб келади .

Жигар-буйрак ўзаро таъсирининг тўлиқ тушунилиши ГРСни эрта аниқлаш ва даволашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, вазоактив терапия (терлипрессин ва альбумин) айнан бу патоген занжирни узишга қаратилган. Биомаркерлар (NGAL, Cystatin C) эса, бу занжирда қайси нуқтада бурулиш юз берганини аниқлашда ёрдам беради [98].

Қуйидаги 2-жадвалда ГРСда жигар ва буйрак яллиғланиши маркерлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлили келтирилган.

2-жадвал

Биомаркерлар: жигар ва буйрак яллиғланиш кўрсаткичлари

Биомаркер	Жигар билан боғлиқ	Буйрак билан боғлиқ	Илмий манба
IL-6	Жигарда яллиғланиш даражасини кўрсатади	Эндотелийга таъсир кўрсатиб, альбуминурияни кучайтиради	Solé C. et al., 2020
ЎНО-α	Гепатоцит апоптозини индукция қилади	Гломеруляр капиллярлар таназзули	Fabrizi F. et al., 2017

CRP	Системали яллиғланиш белгиси	СБК ривожланиши билан боғлиқ	Targher G. et al., 2020
Cystatin C	-	КФТ ноанъанавий баҳоси	Wong F. et al., 2021
NGAL	-	Эпителий шикастланишининг эрта маркери	Nadim et al., 2021
KIM-1	-	Тубулопатиянинг биомаркери	Duarte-Rojo et al., 2021

ГРС патогенези бўйича ўрганилган илмий манбалар бўйича ушбу соҳада эҳтиёж бўлган тадқиқотлар хулоса қилинди. Бунда жигар яллиғланишида СБКни эрта башорат қилиш моделлари етарли эмас.

Яллиғланиш ва эндотелий дисфункциясини аниқлашда ўзаро биомаркерлар (dual-organ markers) кам ўрганилган. Метаболик цирроз ва нефропатия боғлиқлиги ҳақида узоқ муддатли кузатувлар етишмайди.

Жигарнинг сурункали яллиғланиши фонида СБК ривожланиши кўп омилли патогенезга эга бўлиб, гемодинамик, яллиғланиш ва метаболик механизмлар иштирок этади. Қўшма орган биомаркерлари орқали бу жараёнларни эрта баҳолаш, нефропротектив ва антиинфламатор терапияни эрта даврда бошлаш – келгусида СБК оқибатларини олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Жигарнинг сурункали вирусли яллиғланишлари компенсация даврида гепаторенал синдром ривожланиши жиҳатлари


Сурункали вирусли гепатитлар (СВГ) — яъни гепатит В (HBV), гепатит С (HCV) ва гепатит D (HDV) нафақат жигар тўқимасини, балки экстрагепатик органларни ҳам шикастлайди. Бунинг ичида буйрак энг кўп таъсирланадиган органлардан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар СВГ билан касалланган

беморларда СБК ривожланиш хавфи юқори эканини кўрсатмоқда [57; 494-503-б.; 97; 214-221-б.].

Компенсация босқичидаги СБК фондида ГРСни эрта ташхислаш катта муаммолар туғдиради. Классик симптомлар (асцит, олигоурия, креатинин ўсиши) компенсация босқичида йўқ ёки енгил намоён бўлади. Шу сабабли, ICA (International Club of Ascites) томонидан 2021 йилда қабул қилинган янги диагностика мезонларида сийдик таҳлили ва сийдикдаги натрий миқдори каби кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилган. Диагностик жараёнда нефротоксик дорилар, контраст моддалар, инфекция каби провокация қилувчи омиллар ҳам инобатга олиниши шарт [30; 670-685-б.].

Кўплаб тадқиқотлар биомаркерлар – NGAL, Cystatin C, IL-18 каби кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали ГРСни бошқа ренал шикастланиш турларидан фарқлаш имконини ўрганмоқда. Bernardi et al. (2020) ўз ишида компенсация босқичида ушбу биомаркерлар ёрдамида ГРСни 3-4 кун олдин аниқлаш мумкинлигини кўрсатган. Сурункали жигар касаллигининг компенсация босқичида гепаторенал синдром камроқ ўрганилган бўлиб, бу соҳадаги илмий тадқиқотлар ҳали тўлиқ шаклланмаган. Лекин сўнгги йиллардаги баъзи муҳим тадқиқотлар компенсацияланган цирроз ва субклиник

буйрак дисфункцияси ўртасидаги алоқани очиб беришга ҳаракат қилмоқда (1.1-расм).



1- расм. Гепаторенал синдром патогенези

Жигарнинг сурункали вирусли касалликларида ГРС ривожланишининг бир неча патогенетик механизмлари таърифланган. Жумладан:

Иммунокомплекс васкулит ва мембраноз нефропатия. HCV ва HBV вирусларининг иммун жавобни активлаштириши туфайли циркуляция қилувчи иммунокомплекслар пайдо бўлади. Бу комплекслар гломеруляр базал мембранада жойлашиб, мембраноз гломерулонефрит (MGN) ва мембранопротрофиератив гломерулонефрит (MPGN)ни келтириб чиқаради [56; 1373-1380-б.].

Таъкидлаш жоизки, шифохона шифокори ГРС-БЎШ ни аниқлашда асосий рол ўйнайди. Бироқ, ташхис қўйилгач, мутахассисларни (масалан, гепатолог, гастроэнтеролог, нефролог, интенсив терапия шифокори, трансплантация бўйича жарроҳ) жалб қилиш муҳимдир. ГРС-БЎШ билан касалланган барча беморлар жигар касаллигининг илғор босқичида ва даволанишни талаб қиладиган кўплаб қўшимча касалликлар мавжуд. Мультидисциплинар жамоа ташкил этилгандан сўнг, даволаниш бўйича қарорлар биргаликда қабул қилиниши мумкин. ААСЛД ГРС-БЎШ билан оғриган беморларда буйрак фаолиятини яхшилаш учун албумин билан биргаликда вазоконстрикторларни тавсия қилади. ААСЛД йўриқномаси терлипрессинни ГРС-БЎШ учун танланадиган вазоконстриктор сифатида белгилайди ва терлипрессин мавжуд бўлмаган шароитларда алтернативаларни тавсия қилади. Иккинчи танлов норэпинефрин бўлиб, у инфузия учун интенсив терапия бўлимини талаб қилади. Агар иккаласини ҳам бериш имкони бўлмаса, октреотидли мидодринни оғиз орқали юбориш мумкин; бироқ, кўрсатмалар ушбу режимнинг самарадорлиги паст эканлигини таъкидлайди. Даволаш бўйича кўрсатмалар, жумладан дозалаш ва мониторинг бўйича тавсиялар ушбу шарҳда кейинроқ муҳокама қилинади.

ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМДА КАМҚОНЛИК РИВОЖЛАНИШИНING КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Гепаторенал синдромда жигар-буйрак фаолияти бузилиши даражалари ва унинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари таҳлили

ГРС билан оғриган беморларда камқонликнинг ривожланиши ва клиник кечишига оид тадқиқотни ўтказишда, энг аввало жалб этилган беморлар гуруҳларини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб билдик. Ўрганилган ва таҳлил қилинган илмий адабиётларнинг аксариятида гепаторенал синдром, жигар касалликларининг декомпенсация босқичи, яъни жигар хужайра етишмовчилигида кўп омилли механизм асосида буйрак фаолияти бузилиши хусусиятлари баён қилинганига гувоҳ бўлдик.

Нефрологик нуқтаи назардан олиб борилган тадқиқотлар эса коморбид ҳолатларда буйрак фаолияти бузилиши клиник намоён бўлиши асосида энг камида 7-10 йиллик давр кечиши эҳтимоллиги ётиши, яъни нефропатиялар узоқ вақт клиник белгиларсиз кечиши таъкидланган.

Юқоридаги хусусиятларни инобатга олиб биз ҳам ўз олдимизга гепаторенал синдромнинг эрта ташхисот маркерларини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик ва шу асосда тадқиқотга жалб қилинган беморларни икки гуруҳга ажратдик.

1 (асосий) гуруҳ - жигар циррозининг компенсация даври, яъни касаллик клиник жиҳатдан анча кам белгилар билан кечадиган, асцит аниқланмаган, яққол намоён бўлмаган спленомегалия ва портал гипертензия мавжуд беморлар (Чайлд-Пью бўйича А синф), n=65. Ушбу гуруҳда ўртача ёш $50,8 \pm 1,1$ га тенг бўлиб, эркаклар 47,7% ни (n=31), аёллар 52,3% (n=34) ни ташкил этди.

2 (қийсий) гуруҳ - жигар циррозининг суб- ва декомпенсация даври, яъни касаллик клиник жиҳатдан яққол белгилар билан кечадиган, чарчоқ,

холсизлик, диспепсия, спленомегалия, асцит, геморрагик асоратлар мавжуд беморлар (Чайлд-Пью бўйича В-С синф), n=49. Бу гуруҳда ўртача ёш 54,2±1,3 га тенг бўлиб, эркаклар 59,2% ни (n=29), аёллар 40,8% (n=20) ни ташкил этди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичларида камқонлик ривожланишининг жигар ва буйрак фаолияти билан боғлиқлигини баҳолаш мақсадида ҳар иккала орган фаолияти бузилиш даражасини ўргандик ва солиштирма таҳлил қилдик.

Жигар фаолиятини баҳолашда циррозда жигар шикастланиш даражасини аниқлашга мўлжалланган MELD шкаласи (Model for End-Stage Liver Disease) дан фойдаландик. Бунда қуйидаги формула (онлайн калькулятор ёрдамида)да ҳисобланди.

MELD (оригинал) шкаласи ҳисобланади қуйидаги формула бўйича:

$$MELD (ориг) = (0.957 \cdot \ln(\text{креатинин (мг/дл)} \cdot 88.41) + 0.378 \cdot \ln(\text{билирубин (мг/дл)} \cdot 17.1042) + 1.120 \cdot \ln(\text{МНО}) + 0.643) \cdot 10$$

Ушбу формулада креатинин ва билирубин миқдори мг/дл қўлланилади (Креатинин: 1 мг/дл = 88.41 мкмоль/л, Билирубин: 1 мг/дл = 17.1042 мкмоль/л. Агар креатинин < 88.4 мкмоль/л ёки билирубин < 17.1 мкмоль/л кам бўлса, 1 мг/дл деб олинади)

МНО (халқаро меъёрлаштирилган нисбат) — коагулограмма кўрсаткичи.

Ушбу формула интерпретациясида MELD балли асосида 3 ойлик ўлим эҳтимоли баҳоланади. Бунда < 9 баллда охириги 3 ойдаги леталлик эҳтимоли 1,9% ; 10–19 баллда 6%; 20–29 баллда 19,6%; 30–39 баллда 52,6% ва 40≤ балл бўлганда 71,3% ни ташкил этади.

Буйрак фаолиятини баҳолашда эса цистатин С кўрсаткичлари асосида СКД-ЕРІ формуласи ёрдамида БКФТ аниқланди. Шунингдек суткалик сийдикдаги альбумин миқдори аниқланди ва альбуминурия даражаси баҳоланди.

1-жадвалда тадқиқот гуруҳларида жигар ва буйрак фаолиятини баҳолашда қўлланиладиган лаборатор маркерларнинг ўртача кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

**Тадқиқот гуруҳларида жигар ва буйрак фаолиятини баҳоловчи
лаборатор маркерлар кўрсаткичлари умумий тавсифи**


кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=40	Асосий гуруҳ n=65	Қиёсий гуруҳ n=49
Билирубин, мкмоль/л	10,3±1,1	29,7±0,6*	45,7±0,8**^
АЛТ, МЕ/л	27,8±2,4	53,1±1,3*	49,1,1±1,4**^
АСТ, МЕ/л	26,3±2,5	50,8±1,3**	46,2±1,1*^
Креатинин, мкмоль/л	57,5±3,5	97,4±1,4*	112,5±1,6**^
Мочевина, ммоль/л	4,3±0,7	7,3±0,3*	10,3±0,6**^
Альбумин, г/л	39,4±1,2	29,2±0,8*	21,4±0,9**^
ПВ, сек	10,1±0,4	15,7±0,2*	18,4±0,3**^
МНО	0,93±0,2	1,52±0,4*	1,81±0,3**^^
Фибриноген,г/л	3,2±0,7	2,1±0,5*	1,8±0,7**^

Изоҳ: *- назорат гуруҳига нисбатан р кўрсаткичлари, бунда *-р<0,05, **-р<0,01; ^- гуруҳлараро р кўрсаткичлари, бунда ^-р<0,05, ^^-р<0,01

Жадвалдаги маълумотлардан англаш мумкинки, қиёсий гуруҳда жигар фаолиятини белгиловчи биомаркерлар ўртача кўрсаткичи асосий гуруҳга нисбатан анча юқори, жумладан билирубин миқдори қиёсий гуруҳда асосий гуруҳга нисбатан 1,5 марта, назорат гуруҳига нисбатан 4,4 марта юқори. Худди шундай тенденция креатинин миқдорида ҳам кузатилди, бунда солиштирма таҳлилда қиёсий гуруҳда асосий гуруҳга нисбатан 1,15 марта, назорат гуруҳига нисбатан эса 1,95 марта юқори. Альбумин миқдори эса камайиб бориш характерига эга бўлиб, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 0,74 марта, қиёсий гуруҳда эса назорат гуруҳига нисбатан 0,5 марта

камайган. Асосий ва қиёсий гуруҳ кўрсаткичлари орасидаги фарқ ишончли бўлиб, 0,73 мартани ташкил этди ($p < 0,05$).


Лаборатор маркерлар асосида асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморларда жигар фаолияти MELD шкаласи бўйича баҳоланди ва солиштирма таҳлил ўтказилди (3.1-расм).



1-расм. Асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморларда жигар фаолияти MELD шкаласи таҳлили

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларда жигар ҳолати баллари қиёсий гуруҳга нисбатан ишончли кўрсаткич билан пастроқ бўлсада, асосий гуруҳда эркакларда нисбатан юқори балл (1,04 марта, $p < 0,05$) кузатилган бўлса, қиёсий гуруҳда бу тесқари тенденцияда намоён бўлди, яъни жигар ҳолати пастиги аёлларда нисбатан кўпроқ аниқланди (1,08 марта паст, $p < 0,05$).

Шунингдек, беморларда ультратовушли эластометрия усулида фиброз даражаси баҳоланди ва тадқиқот гуруҳлари орасида солиштирма таҳлил ўтказилди (3.2-расм). Натижалар METAVIR (F0- F4) шкаласи асосида баҳоланди.




2 расм. Жигарда фиброз даражасини баҳолаш натижалари (METAVIR)

Эластограмма натижалари солиштирма таҳлилида асосий гуруҳимизда METAVIR бўйича 3 нафар беморда (4,6%) F2 босқичдаги фиброз аниқланган. Асосий ҳажмни F3 ва F4 босқичлар ташкил этиб, уларнинг улуши табиий равишда қиёсий гуруҳда юқори кўрсаткичларни ташкил этди.

СБК босқичи таҳлили NKFK/DOQI (National Kidney Foundation/ Kidney Disease Outcome Quality Initiative, 2002), Россия Нефрологлари Илмий Жамияти (2010) таснифига мувофиқ баҳоланди ва гуруҳлараро солиштирма таҳлил қилинди (3.3-расм) .

Расмда келтирилган маълумотлар бўйича шуни таъкидлаш керакки, қиёсий гуруҳда СБК клиник босқичлари оғир даражаси, асосий гуруҳга нисбатан кўпроқ аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар иккала гуруҳда ҳам СБК оғир даражалари салмоғи юқори бўлиб, қиёсий гуруҳда СБК 3a/б босқичи асосий гуруҳга нисбатан 1,45 марта кўп кузатилди, мос ҳолда қиёсий гуруҳда $46,9 \pm 2,8\%$ ва асосий гуруҳда эса $32,3\%$ ни ташкил этди.



3-расм. Тадқиқот гуруҳларида СБК клиник босқичлари учраш даражаси таҳлили (%)

ГРС да жигар ва буйрак фаолияти бузилиши орасида ўзаро боғлиқлик жиҳатларини баҳолаш мақсадида жигар фаолиятини баҳоловчи маркерлар, шкалалар ва СБК кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликлар таҳлилинини ўтказдик (3.2-жадвал).

2-жадвал


Жигар фиброз даражаси ва буйрак фаолияти орасидаги боғлиқлик таҳлили

Фиброз даражаси	СБК 1 (%)	СБК 2 (%)	СБК 3 (%)
F2	5,3	3,9	0
F3	84,2	21,6	38,6
F4	10,5	74,5	61,4

F2 — енгил фиброз бўлиб, унинг фонида СБК асосан 1 ва 2 босқичда учрайди. Бу ҳолат шундан далолат берадики, F2 жигар фибрози фонида буйрак функцияси бузилиши оғир даражалари аниқланмади. F3 даражадаги

фиброз фонида СБК 1 даражаси энг кўп учраши гувоҳи бўлдик. Шу билан бирга, СБК 3 (38,6%) ҳолати ҳам мавжуд бўлиб, F3 — кетма-кет ривожланиш йўлининг ўтиш нуқтаси эканини кўрсатади. Жигар фиброзининг F4 даражасида СБК 1 — 10,5%, СБК 2 — 74,5% ва СБК 3а/б — 61,4% ҳолларда аниқланиб, оғир жигар фибрози ҳолатида гепаторенал синдром ва ренал гипоперфузия орқали буйрак шикастланиши тез ва шиддатли кечади. Бу клиник ассоциация — жигар фиброзининг прогрессияси — буйрак фаолиятини оғирлаштирувчи асосий омил эканлигини кўрсатади.

Жигар фибрози даражалари (F2–F4) бўйича СБК 1, 2 ва 3 босқичларининг тарқалиш фоизларини баҳолаш асосида, ҳар бир СБК босқичи учун Спирман корреляция коэффиценти (r) ҳисобланди, бунда СБК 1: $r = 0.50$ – ўртача боғлиқлик, СБК 2: $r = 1.00$ – жуда кучли, мусбат боғлиқлик ва СБК 3а/б: $r = 1.00$ – яна шу даражадаги кучли боғлиқлик аниқланди (3.3-расм).



4- расм. Жигар фиброз даражалари ва СБК босқичлари ўртасидаги Спирман корреляцияси (r)

Ушбу радиал диаграммада жигар фиброзининг F2, F3 ва F4 даражалари билан сурункали буйрак касаллигининг клиник босқичлари (СБК 1, СБК 2 ва СБК 3) ўртасидаги Спирман корреляция коэффиценти (r) ифодаланган.

СБК 2 ва СБК 3 босқичлари учун $r=1.00$ — бу жигар фибрози даражалари ривожланиши билан СБК оғирлашуви мустақил, кучли боғлиқликка эга эканлигини кўрсатади.

СБК 1 учун $r=0.50$ — бу яққол намоён бўлмаган фиброз ҳолатида СБК аломатлари реверсив ёки субклиник тарзда кечиши мумкинлигини билдириши мумкин.


Бу тенденциялар гепаторенал ўзаро таъсир моделида муҳим ўрин тутди. Чунки жигардаги фибротик ўзгаришлар — перипортал гипертензия, гипоальбуминемия ва тизимли вазодилатация фониди — ренал перфузиянинг пасайишига, тубулоинтерстициал гипоксияга олиб келиши мумкин.

Жигарда фиброз даражалари ортиши билан СБК 2 ва 3 босқичлари кўпайиши — фиброз даражаси нефропатия прогрессиясига прогностик белгилардан бири бўлиши мумкинлигини кўрсатади. F3 ва F4 даражаларидаги фиброз ҳолатлари — нефрологик мониторингга эҳтиёж юқори бўлган ҳолатлар сифатида қаралиши керак.

Гепаторенал синдромда камқонлик учраш даражаси ва унинг жигар-буйрак фаолияти билан боғлиқлик жиҳатлари таҳлили

Тадқиқот иши асосий мақсадидан келиб чиқиб, ГРС да камқонлик учраш даражаси таҳлилини ўтказдик. Дастлаб гемоглобин кўрсаткичига асосланиб камқонлик клиник даражаси учраш частотаси баҳоланди (3.4-расм).

ГРС аниқланган беморлар орасида 24,3 % да камқонлик енгил даражаси, 25,2% да ўрта оғирлик даражаси 24,3% да оғир даражаси ва 19,2% беморларда камқонлик аниқланмади.




5-расм. ГРС мавжуд беморларда камқонлик учраш даражалари (%).

ГРС да камқонлик ривожланишидаги патогенетик хавф омилини аниқлаш мақсадида жигар ва буйрак фаолиятини баҳоловчи маркерлар ва камқонлик даражалари орасидаги боғлиқлик ўрганилди. ГРС да камқонлик ривожланишида жигар фибрози таъсирини аниқлаш мақсадида жигар фибрози даражалари (F2, F3, F4) бўйича камқонлик оғирлик даражалари (енгил, ўрта, оғир) қандай ўзгариши ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилди (3.5-расм).

Натижалар таҳлили фиброз даражаси ошиб борган сари камқонлик оғирлик даражаси ҳам кучайишини кўрсатди. F2 даражасида камқонлик асосан енгил шаклда (66.7%) учраган бўлса, F3 ва F4 даражаларида ўрта ва оғир камқонлик ҳолатлари анча юқори кўрсаткичларни намоён этган (F4 учун оғир камқонлик 32.8%).

Жигар фибрози даражаси ошиб бориши билан камқонлик даражаси ҳам оғирлашиб боради. Бу маълумотлар жигар фибрози бўлган беморларда камқонликнинг оғирлигини фиброз маркерлари асосида башорат қилиш имконини беради. F4 даражаси — клиник амалиётда оғир камқонликни прогностик белгиси сифатида кўрилиши мумкин.




6-расм. Фиброз даражалари бўйича камқонлик учраш частотаси (%)

Жигар фибрози даражалари (F2, F3, F4) ва уларга мос камқонлик оғирлик даражалари (енгил, ўрта, оғир) ўртасидаги **Спирман корреляция коэффиценти** ҳисоблаб чиқилди (3.6-расм).

Енгил даражадаги камқонликнинг фиброз даражасига тескари пропорционалиги қайд этилди: F2: енгил камқонлик – 66.7%; F4: енгил камқонлик – 38.4%; Спирман корреляцияси: $r = -1.00$ (енгил камқонлик ва оғир фиброз ўртасида кучли манфий боғлиқлик)

Оғир камқонлик ва юқори фиброз даражаси (F4) ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик кузатилди: F2: оғир камқонлик – 0%; F4: оғир камқонлик – 32.8%; Спирман корреляцияси: $r = +1.00$ — кучли мусбат боғлиқлик

Ўрта камқонлик фиброз даражаларининг ўртасидаги гуруҳларда стабил даражада сақланган (29.6–38.8%), аммо тенденцияси оғирлашув томон бўлгани учун эҳтиёткорлик билан баҳоланиши зарур .



7-расм. Фиброз даражалари ва камқонлик даражалари ўртасидаги корреляция (Спирман)

Енгил даражадаги камқонлик ва фиброз даражалари ўртасида корреляция: $r = -1.00$, яъни фиброз даражаси ошиб борган сари енгил камқонлик ҳолатлари мутаносиб равишда камайиб боради. F2 даражасида енгил камқонлик 66, 7% бўлса, F4 даражасида бу кўрсаткич 38.4% гача тушган. Бу натижа жигардаги тўқима фиброзининг авж олиши билан организмдаги кислород ташиш қобилиятини пасайиши ва компенсация механизмларининг етарли эмаслиги билан изоҳланди.

Ўрта камқонлик ва фиброз даражалари ўртасида корреляция коэффиценти $r = +0.50$ га тенг бўлиб, бу ўртача мусбат корреляция саналиб, фиброз даражаси ошиб борган сари ўрта даражадаги камқонлик ҳолатлари бироз ошиш тенденциясини кўрсатади. Масалан, F2 даражасида ўрта оғирлик даражасидаги камқонлик 33,3% бўлса, F4 даражасида бу кўрсаткич 38.8% ни ташкил қилди ($p < 0,01$). Бу ҳолат фибрознинг ўсиши билан тўқималардаги кислород талабининг ортиши, эритропоэтин фаолиятининг пасайиши ҳамда


полидефицитли ҳолат (темир, витамин В12, фолат танқислиги) билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Оғир даражадаги камқонлик ва фиброз даражалари ўртасида корреляция коэффиценти эса $r = 1.0$ га тенг ($p < 0,01$), бу кучли мусбат корреляция бўлиб, фиброз даражаси ошиб борган сари оғир камқонлик учраш фоизи мутаносиб ошиб бориши кузатилди. Фибрознинг F2 даражасида оғир даражадаги камқонлик аниқланмади, F4 даражасида эса у 32.8% гача етди. Бу жигар функциясининг сезиларли пасайиши фониди, альбумин синтези камайиши, портал гипертензия, спленомегалия (гиперспленизм) орқали эритроцитлар яшаш даврининг қисқариши каби патогенетик механизмлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлик эҳтимоли мавжуд.

Корреляцион таҳлилдан хулоса қилиш мумкинки, камқонлик оғирлик даражасини жигар фиброз босқичлари асосида башорат қилиш мумкин. F4 даражасидаги беморлар камқонликнинг оғир шакли учун юқори хавф гуруҳи ҳисобланади. Ушбу боғлиқлик диагностик ва прогностик моделлар ишлаб чиқишда, клиник алгоритмларга аниқ қарор қўшишда муҳим асос бўлади. Ушбу маълумотлар жигар фибрози даражаси асосида камқонлик клиник оғирлигини башоратлаш имконини беради. Демак, F4 даражаси юқори бўлган беморлар — оғир камқонлик хавфи гуруҳи сифатида ажратилиши керак.

Худди шундай таҳлил СБК клиник босқичлари ва камқонлик даражаси орасида ўтказилди (3.8-расм). Расмга келтирилган маълумотлар асосида камқонлик енгил даражаси бўйича таҳлилида СБК 1 клиник босқичида камқонликнинг енгил даражаси 52.6% ни ташкил қилган, бу эса ушбу босқичда эритропоз жароғи ҳали етарли даражада фаол эканлигини, нефронлар ва гормонал регуляция тизимлари ҳали жуда ҳам издан чиқмаганини кўрсатади. СБК 2 босқичида бу кўрсаткич 40,0% гача пасайган — бу даврда қон яратиш учун масъул бўлган эритропоэтин синтези пасайиб, темир метаболизмида мувозанатсизлик бошланганини англатади. СБК 3 босқичида енгил камқонлик фоизи 13, 6% гача тушиб кетганлиги гувоҳи бўлди. Бу эса нефропатиянинг илгарилаб бориши билан енгил камқонлик шакллари оғир шаклларга алмашиб

бораётганини кўрсатади. ГРС даги спленомегалия, портал гипертензия ва микронутриент танқислиги каби ҳолатлар бу жараённи тезлаштиради.




8-расм. ГРС да СБК клиник босқичлари бўйича камқонлик даражалари (n=92, %)

Ўрта оғирлик даражасидаги камқонлик ўрта даражаси бўйича таҳлилда СБК 1 босқичида ўрта камқонлик фоизи 31.6% ни ташкил қилган, бу етарлича қон шаклланса-да, эритропоезга салбий таъсир қилувчи омиллар мавжудлигини кўрсатади (масалан, тўпланган уремик токсинлар, паст даражали яллиғланиш). СБК 2 босқичида ўрта камқонлик даражаси 21.6% гача пасайган — бу организмдаги компенсация механизмлари таъсири эҳтимоллигини кўрсатади. СБК 3 босқичида ўрта оғирликдаги камқонлик 36.4% ни ташкил қилиб, ГРС даги асоратлар, жумладан қон йўқотиш, нутритив дефицитлар, гипоальбуминемия ва микроспленизм таъсири борлигини англатади. Ўрта даражадаги камқонликнинг динамикаси ноанъанавий шаклда ўзгариши, яъни СБК 2 да пасайиб, СБК 3 да қайта ошиши бу даражанинг ўтиш босқичи (транзитор ҳолат) сифатида қаралиши мумкинлигини англатади.

Оғир даражадаги камқонликнинг СБК босқичлари бўйича таҳлилида СБК 1 босқичида оғир даражадаги камқонлик — 15.8% ни ташкил этиб, бу эса фиброз, гиперспленизм, ички резорбция бузилишлари ҳали кучли эмаслигини билдириши мумкин. СБК 2 босқичида ушбу кўрсаткич 29.4% гача ошган. Бу босқичда тўқималарда гипоксия кучайиб, эритроцитлар ҳаёт даври қисқараётгани, гемопоз сўнаётганини англатади. СБК 3 босқичида эса оғир даражадаги камқонлик 50.0% ни ташкил этган — бу ўта хавфли босқич бўлиб, гепаторенал синдром, спленомегалия, портал гипертензия, гипоальбуминемия, ва эритропоэтин дефицитининг кулминацион кўриниши билан биргаликда кечиши кузатилди.

Тадқиқот ишида ГРС мавжуд беморларда буйрак фаолияти ва камқонлик орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинди (3.9-расм).



9-расм. ГРС СБК клиник босқичлари ва камқонлик оғирлик даражалари ўртасидаги Спирман корреляция матрицаси

Таҳлил натижалари бўйича энгил даражадаги камқонлик ва СБК даражаси орасида $r = -1.00$ кучли манфий корреляция аниқланди, яъни СБК клиник босқичи ошиб бориши билан энгил камқонлик фоизи мутаносиб камаймоқда. Бу СБКнинг 1-босқичида компенсация механизмлари ишлаётганини, 3-босқичда эса улар тўлиқ ечимсиз бўлиб қолишини кўрсатади.

Камқонликнинг ўрта оғир даражаси ва СБК орасида $r = +0.50$ ўртача мусбат корреляция кузатилиб, ушбу камқонлик, айниқса, СБК 3 босқичида тез-тез учрай бошлашини англатади. Бу ҳолат камқонликнинг ўтиш шакли сифатида қаралиши мумкин.

Оғир даражали камқонлик ва СБК клиник босқичлари орасида кучли мусбат корреляцион боғлиқлик мавжуд бўлиб ($r = +1.0, p < 0,001$), СБК клиник босқичи ошиши билан оғир камқонлик ҳолатлари мутаносиб равишда ошмоқда. Бу нефропатиянинг авж олган шаклларида эритропоз сўниши ва микроэлемент танқислиги билан изоҳланади. Хулоса қилиб айтганда, СБК клиник босқичи — камқонлик оғирлигини клиник прогнозлашда ишончли биомаркер сифатида қаралиши мумкин. Бу боғлиқликлар аниқ, узвий ва статистик жиҳатдан аҳамиятлидир.


СБК ва фиброз даражалари асосида камқонлик ривожланишини башорат қилиш имкониятларини баҳолаш

Биз юқорида ГРС мавжуд беморларда камқонлик ривожланишининг жигар ва буйрак фаолияти бузилишига боғлиқлигини алоҳида патогенетик механизмларни инобатга олиб таҳлил қилдик.

Лекин беморларда ГРС да жигар хужайра етишмовчилигида буйрак фаолияти бузилиши оқибатида беморлардаги камқонликнинг патогенетик мураккаблашиши кузатилади. Шундан келиб чиқиб биз тадқиқотимизда камқонликнинг ҳар иккала орган фаолияти бузилиши даражасидан келиб чиқиб таҳлил қилдик.

Камқонлик — бугунги кун клиник амалиётида энг кўп учрайдиган, аммо кўп ҳолатларда кам баҳоланадиган синдромлардан бири ҳисобланади. Айниқса, кўп органли шикастланиш (жигар ва буйрак дисфункцияси) фониди ривожланадиган камқонликлар патогенезини, оғирлашиш даражасини ва башорат қобилиятини баҳолаш клиник ва илмий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Буйрак фаолиятини ифодаловчи СБК клиник босқичлари ва жигар фибрози даражалари ушбу синдромнинг ривожланишида қандай роль ўйнаши, уларнинг камқонлик ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатиши, шунингдек, ушбу параметрлар асосида камқонлик ривожланишини қанчалик аниқ башорат қилиш мумкинлиги масалалари ROC таҳлили ёрдамида чуқур таҳлил қилинди (10-расм).



10-расм. ГРС да СБК ва жигар фибрози асосида камқонликни башорат қилиш ROC таҳлили

Камқонлик ривожланишининг клиник прогнозини баҳолаш мақсадида жигар фибрози (F) ва сурункали буйрак етишмовчилиги даражаси (СБК) билан боғлиқ ROC таҳлили ўтказилди. Ушбу таҳлилда камқонлик мавжудлиги бинар кўринишда (1 – камқонлик мавжуд, 0 – камқонлик мавжуд эмас белгиланган бўлиб, ҳар бир орган функциясининг клиник даражалари прогностик тест сифатида баҳоланди.

Таҳлил қилинган маълумотлар тўпламида ҳар бир бемор учун қуйидаги параметрлар қайд этилган:

- СБК клиник босқичи (1, 2, 3);
- Жигар фибрози даражаси (F2, F3, F4);
- Камқонликнинг мавжудлиги (0 — йўқ, 1 — бор);
- Камқонлик даражаси (A_dar): 1 — енгил, 2 — ўрта, 3 — оғир.

СБК ва фиброз даражалари прогнозловчи тестлар сифатида баҳоланди, камқонликнинг мавжудлиги эса ўлчов объекти (target event) сифатида қабул қилинди. Бинар ROC таҳлил усулида чекловсиз сезгирлик (sensitivity) ва 1-спецификлик (1-specificity) орқали ROC қисқа чизиғи тузилди. AUC (Area Under Curve) орқали ушбу тестларнинг прогностик қиймати баҳоланди.

СБК даражаси бўйича ROC таҳлил натижаларига кўра:

- СБК даражаси учун $AUC = 0.71$ ($p < 0.01$) аниқланди. Бу дегани, агар икки бемордан бири камқонликли ва бири камқонликсиз бўлса, СБК клиник босқичи 71% эҳтимол билан камқонликли беморда юқори бўлади. Бу натижа тўғри башоратнинг яхши даражаси ҳисобланади.

- Жигар фибрози даражаси бўйича ROC таҳлил натижаларида эса фиброз даражаси учун $AUC = 0.49$ аниқланди. Бу қиймат ROC таҳлил нуқтаи назаридан тақрибан тасодикий баҳолаш даражаси билан тенг. Яъни жигар фибрози даражаси асосида камқонликни башорат қилиш статистик жиҳатдан ишончлиги СБК нисбатан пастроқ.

Солиштирма таҳлил ва умумий баҳолашда — икки орган функцияси кўрсаткичи (СБК ва жигар фибрози даражалари)дан қай бири камқонлик ривожланишини яхшироқ башорат қила олишини аниқлаш эди.

ГРС мавжуд беморларда СБК даражаси камқонликнинг ривожланишида асосий патогенетик компонент ҳисобланади, бу ҳолат нафақат статистик, балки биологик нуқтаи назардан ҳам тасдиқланади. Жигар фибрози даражаси эса баъзи беморларда у камқонликни кучайтирувчи фоновий фактор бўлиб хизмат қилса, камқонлик ривожланишини башорат қилишда муҳим омил бўлмайди. ROC таҳлил асосида СБК клиник босқичлари камқонликни эрта аниқлаш учун диагностик скрининг параметр сифатида таклиф этилиши мумкин. Ушбу таҳлил натижаларига кўра, клиник амалиётда ГРС да СБК даражасига қараб камқонлик хавфини баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Келгусида жигар фибрози даражаси билан аниқроқ боғлиқ камқонлик шакллари таҳлил қилиш учун камқонлик даражаси, биомаркерлар (гепсидин, ферритин) ва альбумин кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

3 бобга хулоса. ГРС мавжуд беморларда жигар фаолияти бузилиши ва СБК клиник босқичлари орасида патогенетик боғлиқлик мавжуд.

Шунингдек, фиброз ва СБК даражаларининг камқонлик ривожланишидаги патогенетик таъсири солиштирма ўрганилганда буйрак фаолияти бузилиши камқонлик ривожланишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

ГЕПАТОРЕНАЛ СИНДРОМДА КАМҚОНЛИКНИНГ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биз диссертациянинг учинчи бобида ГРСда камқонлик ривожланишининг жигар ва буйрак фаолияти билан боғлиқлик жиҳатларини таҳлил қилган эдик. Таҳлил натижалари ГРСда камқонлик ривожланишида буйрак фаолияти бузилиши кўпроқ патогенетик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Диссертацияни ушбу бобида эса бизлар ГРСда камқонлик клиник кечиш хусусиятларини ўрганиб, камқонликнинг патогенетик шакллари, учраш даражаси ва эрта аниқлашнинг лаборатор маркерларини баҳолашни мақсад қилдик.

Гепаторенал синдромда камқонлик ривожланишининг патогенетик хусусиятлари ва клиник турларини баҳолаш

Гепаторенал синдромда жигар ва буйрак функциялари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, камқонлик бу алоқаларнинг ёритилишида муҳим клиник кўрсаткич сифатида намоён бўлиши мумкин. Ушбу бўлимда гемоглобин даражаси ва унинг асосий орган функцияси кўрсаткичлари, яъни жигар ва буйрак фаолиятини баҳоловчи бир қатор лаборатор биомаркерлар билан боғлиқлиги таҳлили ўтказилди.

Қуйидаги жадвалда тадқиқотга жалб қилинган гуруҳларда ГРС ва камқонлик ташхиси учун зарур лаборатор маркерларнинг умумий таснифи келтирилган (1-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар асосида асосий ва қиёсий гуруҳдаги беморларда ГРС фонида ривожланган камқонлик даражаси, патогенетик шакли, асосий механизмлари ва жигар ҳамда буйрак фаолиятига боғлиқ омиллар таъсирининг солиштирма таҳлилинини ўтказдик.

**ГРС фонда аниқланган камқонлик мавжуд беморлардаги лаборатор
маркерлар кўрсаткичлари умумий тавсифи**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=40	Асосий гуруҳ n=65	Қиёсий гуруҳ n=49
Гемоглобин, г/л	132,6 [127,3; 138,1]	98,3*^ [62,1; 128,5]	89,1* [53,3; 97,4]
Эритроцит, 10 ¹² /л	4,2 [3,91; 4,48]	3,2*^ [2,7; 3,5]	2,5* [1,61; 3,2]
MCV, fl	88,3 [84,1; 91,3]	74,6*^^ [66,3; 83,7]	97,4** [82,2; 112,5]
MCH, пг	29,6 [27,1; 33,6]	23,8*^ [21,6; 25,7]	28,3* [27,4;36,6]
MCHC, г/л	336,4 [328,4; 352,1]	289,2*^ [210,7; 303,6]	382,7* [361,8; 407,9]
Ретикулоцит, %о	5,1 [2;7]	7,4**^^^ [3;10]	2,2* [1;4]
Лейкоцит, 10 ⁹ /л	5,8 [4,6; 6,7]	6,4*^^ [5,1; 8,7]	3,1* [2,1; 4,3]
Тромбоцит, 10 ⁹ /л	214,5 [198,1; 256,8]	231,5*^^ [191,5; 271,1]	104,7* [88,4; 127,1]
Ферритин, нг/мл	112,5 [58,4;128,4]	412,6**^ [334,8;812,7]	346,2** [298,4;547,1]
Трансферрин, г/л	2,8	6,2**^^	2,4*

	[2,2; 3,5]	[4,9; 7,7]	[1,8; 3,1]
Гепсидин, нг/мл	103,2 [54,3; 117,5]	349,9***^ [298,1; 412,3]	327,5** [258,2; 389,7]
Эритропоэтин, мМЕ/л	17,9 [14,5; 22,4]	10,6*^ [7,1; 12,2]	7,9** [5,4; 11,7]
ЎНО- α , пг/мл	3,2 [0,9; 3,7]	14,6***^ [9,2; 18,4]	12,7** [8,9; 17,6]
Цистатин С, мг/л	0,67 [0,42; 0,82]	1,57***^ [1,17; 1,81]	1,63** [1,37; 2,05]
Мочевина, ммоль/л	4,9 [3,7; 5,8]	8,8***^^ [7,2; 10,4]	11,6*** [7,9; 14,1]
МАУ, г/сутка	2,2 [0,7; 2,6]	112,4***^^ [79,4; 150,2]	236,1*** [132,7; 302,6]

Изоҳ: *- назорат гуруҳига нисбатан p кўрсаткичлари, бунда $*-p<0,05$, $**-$
 $p<0,01$; $***-p<0,001$;

^ - гуруҳлараро p кўрсаткичлари, бунда $^ -p<0,05$, $^^-p<0,01$

Жадвалдаги маълумотлар таҳлили бўйича гемоглобин ва эритроцитлар даражасининг ҳар икки гуруҳда ҳам назорат гуруҳига нисбатан кескин пасайгани, мос ҳолда асосий гуруҳда гемоглобин ўртача миқдори $94,3 \pm 1,7$ г/л ва қиёсий гуруҳда $89,1 \pm 1,9$ г/л ($p<0,01$), камқонликнинг асосий ва давомли патоген жараён эканлигини тасдиқлайди. Камқонликнинг патогенетик шаклини баҳолашда МСV, МСН, МСНС (эритроцит индекси) кўрсаткичларига эътибор қаратилди, бунда МСV: асосий гуруҳда – 74,6 fl ва қиёсий гуруҳда – 97,4 fl;

МСН: асосий гуруҳда – 23,8 пг ва қиёсий гуруҳда – 28,3 пг; МСНС: асосий гуруҳда – 289,2 г/л ва қиёсий гуруҳда – 386,8 г/л. Бу кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, асосий гуруҳда микроцитар ва нормоцитар характердаги камқонлик ($MSV < 80$ fl), қиёсий гуруҳда эса макроцитар ва қисман нормоцитар хусусиятлар намоён бўлганлиги кузатилди. МСНС

юқорилиги – гиперхром камқонлик ёки дегидратация билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ретикулоцит кўрсаткичининг ўзгариши асосий ва қиёсий гуруҳда ҳам гипорегенератор камқонлик мавжудлигини кўрсатди. Лекин асосий гуруҳда ретикулоцит миқдорининг қиёсий гуруҳга нисбатан 0,31 марта юқорилиги, қисман бўлсада эритропоэзни стимуллаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Жадвалда келтирилган лейкоцитлар ва тромбоцитлар миқдори ўзгаришларининг солиштирма таҳлили, қиёсий гуруҳда гиперспленизм жараёни устунлик қилишидан далолат беради. Асосий гуруҳдаги лейкоцитлар миқдорининг нисбатан юқорилиги, камқонликнинг яллиғланиш билан боғлиқлигидан далолат беради.

Камқонликнинг патогенетик хусусиятларини баҳоловчи кўрсаткичлар сифатида ферритин, гепсидин, трансферрин ва эритропоэтин солиштирма таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари асосий гуруҳда ферритин миқдорининг қиёсий гуруҳга нисбатан 1,19 марта юқорилиги (мос ҳолда 412,6 нг/мл ва 346,2 нг/мл) компенсация давридаги ГРСда камқонлик кўпроқ яллиғланиш оқибатида ривожланишини кўрсатди, яъни ферритин юқори (темир тўпланиб қолган), лекин трансферрин паст. Худди шундай гепсидиннинг гуруҳлараро солиштирма таҳлилида асосий гуруҳда темирнинг ичаклардан сўрилиши блокраниши ҳисобидан нутритив танқислик ривожланиши микроцитар камқонлик туридан далолат беради.

Эритропоэтин даражасининг пасайиши – ренал патогенездаги гипорегенератив камқонликни кўрсатади. ЎНО-α миқдори компенсация даврида кўпроқ бўлиб, яллиғланиш ва фиброз фониди темир ва гемопоезни тормозлаш мумкинлигини кўрсатди.

Хулоса қилиш мумкинки, камқонлик ҳар иккала тадқиқот гуруҳида ҳам клиник жиҳатдан аҳамиятли, бироқ патогенетик жиҳатдан фарқли эканлиги аниқланди.

Жумладан, асосий (компенсация даври) гуруҳда камқонлик сурункали яллиғланиш, гепсидин орқали темир блокадаси ва субклиник СБК оқибатида

эритропоз сўниши ҳисобига ривожланса, қиёсий гуруҳ беморларида патогенетик омил бўлиб гиперспленизм, қон йўқотиш, нутритив танқислик ва ГРС кўпроқ аҳамиятлидир.

Эритропозтин, трансферрин, гепсидин, МАУ ва цистатин С — компенсация давридаги ГРС камқонликни эрта башорат қилишда муҳим маркерлар сифатида тавсия қилинди.

Циррознинг компенсация босқичи беморларида нефропатия ва камқонликни ҳамкор мониторинг қилиш — келажакда ГРСни олдини олишда стратегик нуқта бўлиши мумкин.

Гепаторенал синдромда камқонликнинг патогенетик турини эрта аниқлаш маркерлари

Олдинги параграфда келтирилган маълумотлар асосида асосий ва қиёсий гуруҳ беморларида камқонлик ривожланишининг патогенетик омиллари ва механизмини таҳлил қилдик ва жадвал шаклида изоҳ келтирдик (2 ва 3-жадваллар)

2-жадвал

Асосий гуруҳда (компенсация босқичида) камқонлик ривожланиши омиллари

Патогенетик омил	Камқонлик ривожланиши механизми
Гепсидин	Яллиғланиш орқали темир метаболизмини чеклайди
Эритропозтин етишмовчилиги	СБК фониди рўй беради; компенсациядаёқ сездирмайдиган гипорегенерация
МАУ	Эпителий шикастланиши — ренал барьер бузилиши
ЎНО- α ўсиши	Яллиғланиш ва тўқима фиброзининг эрта маркери

Гипоальбунемия	Нутритив статус ва эритропоз учун зарур оқсиллар камаяди
----------------	--

3-жадвал

Қиёсий гуруҳда (декомпенсация босқичида) камқонлик ривожланиши омиллари


Патогенетик омил	Камқонлик ривожланиши механизми
Гиперспленизм	Эритроцитлар парчаланиши, тромбоцитопения ва лейкоцитопения
Қон кетишлар	Портал гипертензия фонидаги қизилўнгач варикоз кенгайишларидан қон кетишлар
ГРС (БКФТ, эритропозтин↓)	Буйракда перфузия пасайиши → гипорегенератив камқонлик
Цистатин С ва МАУ ошиши	Яққол клиник намоён бўлган, органик нефропатия оқибати
Гепсидин ошиши	Темирнинг “қамал қилиниши”
Альбумин синтези пасайиши	Яққол намоён бўлган нутритив танқислик, функционал темир танқислиги билан (гипорегенератив, макроцитар камқонлик)
Уротоксинлар таъсири	Эритропознинг сўниши

Жадвалда келтирилган маълумотларга асосланиб, ушбу омилларнинг тадқиқот гуруҳларида учраш даражасини таҳлил қилдик ва солиштирма баҳоладик (1-расм).

Таҳлил натижалари асосий гуруҳда, яъни циррознинг ГРС нинг компенсация босқичида камқонлик — бу биомаркер: у буйрак фаолиятидаги субклиник шикастланиш ва яллиғланиш жараёнини ифода этади.

Декомпенсацияда эса камқонлик — асорат ва прогностик индикатор: гиперспленизм, қон кетиш ва ГРС билан бевосита боғлиқ ҳолат деган хулосага келдик.


Шундай экан, камқонлик ривожини компенсация ва декомпенсация босқичларида турли механизмларга эга ва шунга яраша прогностик моделларда турлича вазнга эга бўлиши керак.



1-расм. ГРС да камқонлик ривожланиши патогенетик омилларининг тадқиқот гуруҳларида учраш даражасини таҳлили

ГРС мавжуд беморларда касалликнинг компенсация даврида камқонликнинг патогенетик омилини эрта аниқлашда юқори ишончли бўлган биомаркерларни танлаш мақсадида уларнинг гемоглобин кўрсаткичи билан корреляцион боғлиқлик даражасини таҳлил қилдик. Таҳлил жараёнида асосий ва қийёсий гуруҳдаги боғлиқликлар алоҳида ўрганилиб, солиштирма таҳлил қилинди ва илмий хулосалар чиқарилди.

Асосий гуруҳ беморларининг жигар ва буйрак фаолиятини баҳоловчи маркерлар ва гемоглобин кўрсаткичи орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлили 2- расмда келтирилган. Диаграммадан кўриниб турибдики, энг юқори корреляцион боғлиқлик эритропэтин, цистатин С, ЎНО- α ва гепсидин билан аниқланди.



2-расм. Асосий гуруҳ беморларида гемоглобин ва бошқа биомаркерлар орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлили.

Гемоглобин ва гепсидин орасида кучли, манфий корреляцион боғлиқлик мавжудлигининг гувоҳи бўлди ($r = -0.68$, $p < 0,001$). Бу муҳим натижа. Гепсидин темир метаболизмининг марказий регулятори бўлиб, унинг юқори даражада бўлиши эритропэз учун зарур темирнинг функционал блокадасига олиб келади. Бу ҳолат ушбу беморларда сурункали яллиғланиш камқонлиги омили устунлигидан дарак беради.

Гемоглобин ва эритропэтин кўрсаткичлари орасидаги кучли мусбат боғлиқлик ($r = 0,72$, $p < 0,001$), СБК ва нефрон шикастланиши фониди

эритропоэтин камайиши гипорегенератив камқонлик ривожланишида муҳим рол ўйнашидан далолат беради.

ЎНО- α ва гемоглобин орасидаги ишончли корреляция ($r = -0,65$; $p < 0,001$) ГРС компенсация даврида камқонлик кўпроқ яллиғланиш генези билан боғлиқлигини таъкидлайди. Шунингдек Цистатин С ва гемоглобин орасидаги кучли манфий корреляция ($r = -0,54$, $p < 0,001$) бу беморлардаги камқонлик патогенезида буйрак фаолияти бузилиши бошқарувчи рол ўйнаб, касаллиги фон омил булиши эҳтимоллигини оширади. Цистатин С – нефрон функциясининг сезгир биомаркери. Унинг юқори даражаси БКФТ пасайишини билдиргани сабабли, камқонликнинг ренал патогенези билан боғлиқ эканини кўрсатади.


Бу эҳтимолликни гарчи корреляцион боғлиқлик коэффициенти паст бўлсада, МАУ билан ҳам таъкидлаш мумкин ($r = -0,38$, $p < 0,01$).

Хулоса қилиш мумкинки, гемоглобин билан боғлиқ энг кучли салбий корреляция гепсидин ва ЎНО- α билан кузатилган – бу сурункали яллиғланиш камқонлигининг асосий патогенетик йўналишини кўрсатади. Кучли ижобий боғлиқлик эритропоэтин билан аниқланган – нефроген камқонлик ривож учун муҳим мезон. МАУ ва Цистатин С билан салбий боғлиқлик буйрак функцияси билан боғлиқ камқонлик генезидан далолат беради.

3- расмда эса қиёсий гуруҳ беморларида камқонлик ривожланиши патогенетик омилларининг гемоглобин билан корреляцион боғлиқлик таҳлили келтирилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, қиёсий гуруҳда, яъни ГРС декомпенсация даврида камқонлик ривожланишида эритропоэтин ўз патогенетик аҳамиятини оширган бўлиб, гепсидин, ЎНО- α алфа бир мунча пасайганлигини кузатиш мумкин.

Гемоглобин ва эритропоэтин орасидаги корреляция коэффициенти $r = 0,78$ ($p < 0,001$) га тенг бўлиб, бу декомпенсация даврида ГРС ва нефрон гипоперфузияси натижасида эритропоэтин секрецияси янада пасайишини кўрсатади. ЎНО- α \leftrightarrow Hemoglobin: $r = -0.52$; Hepsidin \leftrightarrow Hemoglobin: $r = -0.61$.

ЎНО- α яллиғланиш медиатори сифатида жигар ва кўмик тўқималардаги гемопозни сусайтиради. Гепсидиннинг юқори даражаси темирни паренхимал тўқималарда сақлаб қолади, трансферрин орқали қонга чиқишни чеклайди. Циррознинг декомпенсация босқичида ЎНО- α фонида гепсидин секрецияси янада фаоллашади, бу эса камқонликни кучайтиради.



3-расм. Қиёсий гуруҳ беморларида гемоглобин ва бошқа биомаркерлар орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлили.

Цистатин С ва гемоглобин орасидаги корреляция коэффициенти $r = -0.52$ га тенг бўлиб ($p < 0,01$), Цистатин С БКФТ нинг аниқ биомаркери сифатида нефрон фаолиятини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ошиши БКФТ пасайиши ва эритропоэтин камайиши оқибатида гипорегенератор камқонлик ривожланишига олиб келади. Декомпенсация босқичида цистатин С орқали СБК ва гипорегенератив камқонлик прогнози аниқлаш мумкин.

Қиёсий гуруҳ беморларида асосий гуруҳга нисбатан лейкоцит, тромбоцит миқдори ва гемоглобин орасидаги корреляцион боғлиқликларнинг

нисбатан ошганлигига гувоҳ бўлдик. Мос ҳолда асосий гуруҳда лейкоцит ↔ Hb: $r = +0.23$; тромбоцит ↔ Hb: $r = +0.26$ ва қиёсий гуруҳда лейкоцит ↔ Hb: $r = +0.49$; тромбоцит ↔ Hb: $r = +0.51$. ГРС декомпенсация даврида спленомегалия ва гиперспленизмда қон хужайраларининг циркуляциядан чиқиши кузатилади. Гемоглобин, лейкоцитлар ва тромбоцитлар миқдори биргаликда пасайиши гиперспленизм синдромининг маркери бўлиши мумкин. Ушбу боғлиқлик ушбу патогенетик механизмни яна бир бор тасдиқлайди.

Декомпенсация босқичида камқонлик кўпинча яллиғланиш + гиперспленизм + нефроген механизмлар орқали шаклланади. Гепсидин, ЎНО- α , МАУ ва цистатин С — асосий патогенетик ва прогностик биомаркерлардир.

Эритропоэтин ва гемоглобин ўртасидаги кучли боғлиқлик камқонликнинг ГРС билан боғлиқлигини янада мустаҳкамлайди. Спленомегалия компонентларини баҳоловчи — лейкоцит ва тромбоцитлар билан гемоглобин ўртасидаги корреляция ҳам клиник диагностика учун аҳамиятли.

Ҳар иккала гуруҳда энг кучсиз ва аҳамияти паст корреляция гемоглобиннинг ферритин ва трансферрин билан боғлиқлигида аниқланди. Мос ҳолда асосий гуруҳда Ferretin ↔ Hemoglobin: $r = -0.05$ ва Transferrin ↔ Hemoglobin: $r = -0.21$; қиёсий гуруҳда Ferretin ↔ Hemoglobin: $r = -0.06$ ва Transferrin ↔ Hemoglobin: $r = -0.20$ ($p < 0,05$)

Бу ҳолат ҳам СЯК учун мос тушади. Гепатоцитлар томонидан синтезланадиган трансферрин яллиғланиш фонида пасаяди. Камқонлик бўлса-да, трансферрин ўсмайди — бу фаол темир ташилиши сусайишини кўрсатади

Қуйидаги жадвалда биз ҳар иккала тадқиқот гуруҳидаги корреляцион боғлиқликларни солиштирма таҳлил асосида ушбу гуруҳ беморларида камқонлик ривожланиши биомаркерларининг диагностик аҳамиятлилигини келтирдик (4-жадвал).

Жадвалдан хулоса қуйидагича:

ЭПО, Гепсидин, Цистатин С — компенсация ва декомпенсация босқичида камқонликни аниқлаш ва прогноз қилишда асосий биомаркерлардир.

ЎНО-α ва МАУ — яллиғланиш ва нефрон шикастланишини рангида баҳоланадиган, муҳим иккинчи даражали кўрсаткичлардир.

Ферритин ва Трансферрин — бир қарашда алоқадор кўрсаткичлар бўлса-да, циррознинг яллиғланиш фонларида таҳлилий ишончсиз бўлиб қолади.

4-жадвал

Тадқиқот гуруҳларидаги корреляцион таҳлил умумий хулосаси (r=)

Биомаркер	Асосий гуруҳ (n=65)	Қиёсий гуруҳ (n=49)	Аҳамиятлилиги (ташхисотда)
ЭПО	+0.72 (кучли, мусбат)	+0.78 (кучли, мусбат)	Жуда юқори аҳамиятли (иккала босқичда)
гепсидин	-0.68 (кучли, манфий)	-0.61 (кучли, манфий)	Юқори аҳамиятли (СЯК диагностикаси)
ЎНО-α	-0.65 (кучли, манфий)	-0.52 (ўрта, манфий)	Аҳамиятли (СЯК, инфламатор фон)
Цистатин С	-0.54 (ўртача, манфий)	-0.56 (ўртача, манфий)	Нефроген камқонлик учун муҳим
МАУ	-0.18 (кучсиз, манфий)	-0.42 (ўртача, манфий)	Декомпенсацияда аҳамиятлироқ
Трансферрин	-0.21 (кучсиз, манфий)	-0.20 (кучсиз, манфий)	Иккала гуруҳда ҳам паст аҳамият
тромбоцит	+0.26 (кучсиз, мусбат)	+0.51 (ўртача, мусбат)	Гиперспленизм диагностикасида керакли
лейкоцит	+0.23 (кучсиз, мусбат)	+0.49 (ўртача, мусбат)	Спленомегалияга ишора қилувчи
ферритин	+0.05 (ишончсиз)	+0.06 (ишончсиз)	Аҳамиятсиз

Гепаторенал синдромда камқонлик ривожланган беморларда прогностик хавфни моделлаштириш

